Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 104 (13.060).
6 МАЙ 1965 ЙИЛ
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ҒИЖДУВОН ЛАУРЕАТЛАРИ

Бухоро область Ғиждувон район партия комитетининг қарори билан умумрайон «Шавкатли меҳнат китоби» таъсис этилди ва унинг низоми ишлаб чиқилди. Низом районда чиқадиган «Колхоз ҳақиқати» газетасида эълон қилинди.

«Шавкатли меҳнат китоби»га хўжаликда қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ва пахта ҳосилдорлигини гектарига 25 центнердан оширган колхозларнинг раислари, партия ташкилотларининг секретарлари, гектаридан камида 30 центнердан «оқ олтин» етиштирган бригадаларнинг бошлиқлари, мавсумда машинада 80 тонна, қўлда эса 10 тонна пахта терган кишиларнинг номлари ёзиб борилади.

«Район лауреатлари» деган юксак номни олишга муяссар бўлган кишилар орасида «Гулистон» колхозининг раиси Самандар Ҳамидов ва партия ташкилотининг секретари Насриддин Бобомуродов, «Зарафшон» колхозининг раиси Ҳусен Нуруллаев, «Коммунизм» колхозининг раиси Мухтор Аҳмедов, илғор сут соғувчи Мусаллима Муқимова ва бошқалар бор. Уларни район меҳнаткашлари ғиждувонлик лауреатлар, деб аташади.

У. САТТОРОВ.

КЎЧАТ БУТ БЎЛСИН

Бекободлик деҳқонларнинг яхши одати бор. Улар йил давомида тўла гектар ва кўчатларнинг бут бўлиши учун астойдил курашадилар. Бу, мўл ҳосил тақдирини ҳал қилувчи асосий омиллардир.

— Биринчи масала муваффақиятли ҳал этилди, — ҳикоя қилади Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдубашар Усмонов, — хўжалигимиз бўйича гектарлар тўла бўлди. Ариқ ва зовурларнинг чети, дарахтларнинг ости, йўлкаларнинг ўрни, муваққат суғориш шохобчаларининг қирғоқларига ҳам чигит экилди. Асосий майдонлардаги чигит бир текис ундириб олинди ва ғўза парвариши бошлаб юборилди.

Бироқ, кўчат сонининг бут бўлишини таъминлаш масаласи ҳали тўла ҳал қилингани йўқ. Бу соҳада пахтакорларимиз нималар қилиши керак? Мен шу ҳақда фикр юритмоқчиман.

Ҳосил уялардаги ҳар туп ғўзадан олинади. Шундай бўлгач, ҳар қарич ердан унумли фойдаланишимиз, пайкалларда белгиланган миқдорда ғўза кўчати бўлишини таъминлашимиз керак. Масалан, бизнинг шароитимизда ҳар гектар майдонда ўртача 100 минг туп ниҳол бўлиши лозим. Ана шу ниҳол мавсум охиригача тўла сақлаб қолинган ва агротехника қоидалари асосида парвариш қилинган тақдирдагина мўлжалдаги ҳосилни олишимиз мумкин.

Бу йил ғўза парваришини ўтган йилдагидан анча олдин бошладик. Ҳозир бригадамиз бўйича 30 гектар майдондаги ғўза биринчи парваришдан чиқарилди. Юқорида айтганимдек, чигит экиш вақтида ерга ўғит аралашмаси солган эдик. Бироқ, кейинги ёғингарчилик билан ўғит тупроқнинг қуйи қатламига тушиб кетди. Ёш ниҳол ундан яхши баҳраманд булолмаётир. Буни ҳисобга олиб, ягана утказилган ва бегона ўтдан тозаланган майдонлардаги ғўзаларни озиқлантирмоқдамиз. Ҳар гектар ерга қанча ўғит солинишини мутахассислар белгилаб бермоқдалар.

Колхоз пахтакорлари ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» олишга мустаҳкам замин яратиш учун мусобақани авж олдириб юбордилар.

Н. ИНОҚОВ.

Хоразм область паррандачиларининг ғалабаси

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан илҳомланган Хоразм области меҳнаткашлари янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар бундан бир неча кун илгари давлатга тухум сотиш ярим йиллик планининг муваффақиятли бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Пландаги 4 миллион 530 минг ўрнига 5 миллион 263 минг дона тухум сотилди. Кейинги ўн кунликда ярим йиллик планнинг 22,7 проценти миқдорида тухум топширилди.

Область хўжаликларида давлатга тухум сотиш қизғин давом этмоқда.

Меъмор ва ҳаёт

Уйларимиз кўрки, мукаммаллиги, табиатдан олган андозасининг кўҳлиқлиги, шаҳар ва қишлоқларимиз жамолининг нурафшонлиги, камалакдай товланиши, маҳлиё этиши энг аввало меъморнинг санъаткорлигига, дидига, ижодкорлиги, камолотига боғлиқ. Ҳар бир шаҳар ёки қишлоқ мисоли бир узук бўлса, унга қандай ёқутми, фирузами, зумрадми кўзлар солиш, қаерда, қандай иморат тиклашни кўрсатиш меъморнинг иши.

Ҳар бир иморатга биринчи ғиштни қўядиган одам ҳам меъмор. Иморат энг аввало шу меъмор тасаввурида қад кўтаради. Ҳар бир бўлажак шаҳарнинг кўчалари бўйлаб биринчи марта хаёлан кезиб чиқадиган одам ҳам меъмор. Кейингина шаҳар лойиҳаси тузилади, у бунёдга келади. Меъмор орзуси қанчалик улуғвор, диди қанчалик нозик, кўзи қанчалик ўткир бўлса, у шунчалик мукаммал лойиҳа тузади, ноёб архитектура асари яратади.

Бир йўла икки ярим минг санъат ихлосмандларини ўзига жо эта оладиган Санъат саройи, Тошкентнинг деярли ҳамма томонидан кўзга ташланиб турадиган собиқ Тупроққўрғон устида кўкка бўй чўзган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биноси, Навоий театри майдони файзига файз, кўркига кўрк қўшган Тошкент Марказий универмаги, «Тошкент» меҳмонхонаси сингари кейинги йилларда бунёдга келган бинолар ҳақиқатан ҳам архитектурамизнинг ноёб асарларидир. Улар ўзининг содда формаси, кўркамлиги, шу куннинг талабига жавоб бера олиши, озми-кўпми табиат гўзаллигига уйғунлашиб кетиши билан диққатни ўзига тортади, маҳлиё этади. Биргина бу эмас, кейинги вақтда қанча-қанча шаҳар ва қишлоқлар жамоли гулгун очилиб кетди. Қанча посёлкалар, шаҳарчалар бунёд этилди. Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ, Навоий сингари шаҳарлар энди қайси йирик шаҳарлардан қолишади!

Бири-биридан қулай, кўркам уйлар, шаҳар ва қишлоқлар лойиҳасини яратишдек улкан масъулиятни ҳис этиб, ижод қилаётган меъморлар сафи тобора ортиб боряпти. Улуғ Ватан урушида иккала кўзидан ажраганига қарамай, минглаб кишилар ҳавас қилса арзийдиган ҳаёт йўлини босиб ўтган, архитекторлик қилаётган Ленин орденли А. Зотов, кўплаб оригинал лойиҳаларнинг автори А. Бобохонов, янгилик дарғалари В. Березин, Л. Адамов сингари архитекторлар ҳақли равишда совет кишиларининг ҳурматига сазовор бўлишяпти, шу ҳурматга яраша ижод қилишяпти. Улар архитектуранинг янги-янги имкониятларини очишмоқда, лойиҳаларнинг оригинал ва шароитга мос бўлишига, ўзбек меъморчилиги традицияларидан ижодий фойдаланишга интилишмоқда.

Лекин ҳалигача ҳар жиҳатдан мукаммал, ўзбек миллий меъморчилиги намуналари дадил ижодий татбиқ этилган, Урта Осиё шароитида қуришга мўлжалланган уйларнинг типовой лойиҳаси ишлаб чиқилмаганлиги меъморчилигимизнинг ҳаётдан кейинда қолаётганлигини кўрсатади. Кейинги йилларда қурилган кўпгина жамоат бинолари, микрорайонлар келажак талабларига тўла жавоб бермайди. Меъморчиликда республикамизнинг табиий ва иқлим шароити етарли ҳисобга олинаётгани йўқ. Қурилган биноларнинг айримлари яшаш учун ноқулай. Улар хунук, кўримсиз бўлиб, анча қимматга тушяпти. «310-И» типовой лойиҳа билан қурилган уйлар айниқса талабга жавоб бермайди. Шунга қарамай республикада бу типовой лойиҳа бўйича 1970 йилгача уйлар қуриш мўлжалланмоқда.

Наҳотки, йирик панелли уйларнинг содда, лекин кўркам, республикамизнинг табиий шароитига мос ва яшаш учун ҳамма қулайликлари бўлган, конструкцияларининг ўрнини ўзгартириш билан уйлар архитектураси — кўринишини ҳам ўзгартириш мумкин бўлган типовой лойиҳаларни яратиш мумкин бўлмаса!? Мумкин. Лекин бунга етарли эътибор берилмаётир. Бу соҳада изланаётган ижодкорларга етарлича ёрдам кўрсатилмаётир. Масалан, ҳозирги йирик панелли уйларимиздан афзал турадиган рама панелли эксперименталь уйнинг Тошкентда Муқимий кўчасидаги қурилиши ниҳоятда чўзиб юборилди. Уч йил деганда аранг битказилди. Уй авторлари ака-ука архитектор Жмуйдалар бинони битказгунча озмунча овора бўлишмади. Эксперименталь уйлар қурилишига кам эътибор берилаётгани, маблағ ва материалларнинг кам ажратилаётгани республикамиз шароитига мос тушадиган янги-янги лойиҳаларнинг юзага келишига тўсқинлик қилмоқда. Янги лойиҳалар яратиш, шу лойиҳалар бўйича шаҳар ва районларимизда микрорайонлар барпо этиш, унга кўчиб кирган кишиларнинг бинолар қурилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва камчиликларни изма-из тузатиб бориш ниҳоятда муҳим масаладир.

Шу вақтгача республикамизда маҳаллий табиий-иқлим шароитга, оиланинг яшаш талаблари, аҳолининг анъана ва дидига жавоб берадиган типовой лойиҳа яратилмаганининг яна бир боиси ўзбек меъморчилигининг тарихий ютуқлари чуқур ва атрофлича ўрганилмаётганлиги ва унга ижодий ёндошилмаётганлигидир. Ота-боболаримиз асрлар давомида ўзи яшайдиган уйларни табиий-иқлим шароитларига мослаштириб қурганлиги ҳаммамизга аён. Халқ ижодкорлари меъморчиликда ноёб усуллар яратди. Бизнинг архитектурамиз халқ меъморчилиги, совет ва чет эл архитектураси эришган ютуқлардан кенг фойдаланиши лозим.

Архитекторларимиз бундан бир неча йил илгари халқ меъморчилиги намуналарига ижодий ёндошиб яхши иш бошлаган эдилар. Қурилишларда рангли кулолчилик ва нақшлардан фойдаланиш ҳақиқатан ҳам биноларимиз кўркини очиб юборди. Тошкент вокзали ва марказий меҳмонхона сингари бир неча жамоат биноларининг рангли нақшлар билан ишланганлиги совет меъморчилигимизга янги мазмун киритди. Аммо кейинчалик бу муҳим соҳага эътибор берилмай қўйилганлиги жиддий камчиликлардандир. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, архитекторларимиз инженерлар, лойиҳачилар билан ҳамкорликда иш олиб бормаётирлар. Бунинг оқибатида лойиҳаларнинг анча қисми мукаммал ишланмаяпти.

Кўпгина архитекторлар қурилишдан ажралган ҳолда ишлашяпти. Масалан, уйсозлик комбинатларида бирорта архитекторнинг ишламаётганлиги ажабланарли бир ҳолдир. Етук, тажрибали архитекторлар маълум шаҳарлар қурилишига бош-қош бўладиган, уни ўз оталиқларига оладиган пайт келди. Шундагина шаҳарлар марказида плансиз турли хил жамоат биноларини қуриб қўйиб, кейин лойиҳа тузганда қийналиб юришларга чек қўйиш мумкин. Навоий шаҳридаги қурилишларни бир неча архитектор бошқариб боряпти. Улар лойиҳада белгиланган ишларни бузадиган ҳар қандай ортиқчаликларни қурилиш майдонининг ўзидаёқ тузатишмоқда, шаҳар кўркини очадиган янгиликларни эса дадил жорий этишмоқда. Худди шунингдек, архитектор А. Зотов қарийб йигирма йилдан бери Оҳангарон шаҳри қурилишини бошқариб келмоқда.

Ҳозир республикамизда 37 шаҳар бор. Уларнинг сони 1970 йилга бориб 50 тага, яқин келажакда 82 тага етиши керак. Энг муҳими, улар коммунистик шаҳарлар типида қурилиши, келажакда яшайдиган кишиларнинг турмуш шароитига, дидига тамомила мос бўлиши керак. Бу жуда улкан вазифа. Уни муваффақиятли ҳал этиш эса кадрларга, уларнинг малакасига, маҳоратига, дидига боғлиқ. Бунинг учун Тошкент политехника институтида малакали архитектор кадрлар тайёрлашга янада эътиборни кучайтириш лозим.

Архитектор кадрларни тарбиялаш, уларнинг малакасини, ихтисосини такомиллаштириб бориш ҳақида ғамхўрлик қилиш, меъморларимизнинг самарали иш олиб бориши учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериш — партия ва совет ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Совет меъморчилиги юксалиб, ривожланиб боряпти, у яратган ноёб обидалар коммунизмга хизмат қилмоқда. Шаҳарларимиз ҳуснига ҳусн қўшаётган архитекторларимиз бундан буён ҳам халқимиз дидига, талабига мос тушадиган бинолар, шаҳарлар лойиҳасини яратадилар.



СИРДАРЁ районидаги «Сирдарё» совхози шоликорлари шоли экишни ўтган йилдагига қараганда икки ҳафта илгари бошлаб юбордилар. ЎзТАГ фотомухбири А. Горокрик яқинда шу совхоз далаларида бўлиб, шоли экиш пайтини суратга олган. Совхознинг 3-бўлимидаги илғор шоликорлик бригадаси бошлиғи Пётр Ан ва бош агроном Жониқул Пиримқулов ўртоқлар ,экишнинг сифати тўғрисида мулоҳаза юритишяпти.

ДАЛА СОҲИБЛАРИ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини комплекс механизациялаш деҳқончилик маданиятини оширишнинг, ҳосилдорликни ва меҳнат унумдорлигини кўтаришнинг асосий гаровидир. Бунинг учун янги техникани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ва малакали кадрларни кўплаб тайёрлаш зарур.

Сўнгги йилларда республикамиз колхоз ва совхозларининг трактор парки бойиди. Бу эса чигит экишдан тортиб то ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган ишларни комплекс механизациялашга имкон туғдирди. Қишлоқ хўжалигининг техника билан қуролланиш даражаси оша борган сари механизатор кадрларга бўлган талаб ҳам ошаверади. Кейинги икки-уч йил давомида «Узсельхозтехника» район бирлашмалари йўли билан 44097 механизатор кадр, шу жумладан 15641 тракторчи, 25981 пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари, 1484 механик-комбайнчи ва 991 чорвадор механизатор тайёрланди. Фақат 1964 йилнинг ўзида турли профилдаги 14034 механизатор кадрлар тайёрланди ва 23272 механизатор ўз малакасини оширди. Шу давр мобайнида 9800 дан ортиқ механизатор аттестация имтиҳонидан ўтказилди. 13296 механизаторга кўча ҳаракати қоидаси ўргатилди ва гувоҳнома берилди. Бу техникадан фойдаланишни анча яхшилади.

Шунга қарамай, кўп жойларда трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини бошқарадиган малакали кадрлар ҳануз етишмайди. Буни эътиборга олиб, «Узсельхозтехника» бирлашмаси етти йилликнинг охирги йилида 11600 механизатор тайёрлашни мўлжаллаяпти. Жойларда ташкил этилган тракторчилар тайёрлаш 4 ойлик курсларида ҳозир 6220 киши ўқияпти. Бундан ташқари 1000 комбайнчи, 4000 механик-ҳайдовчи тайёрланади ва чорвадор механизаторлардан 400 кишининг малакаси оширилади.

«Узсельхозтехника»нинг кўпгина район бирлашмалари механизатор кадрлар тайёрлашни анча яхши ташкил этдилар. Шу кунларда «Узсельхозтехника»нинг Тўрткўл район бирлашмасида 110 киши, Чимбойда 86 киши, Оққўрғонда 105 киши, Янгийўлда 85 киши, Қўрғонтепада 95 киши, Тўрақўрғонда 65 киши, Москва районида 65 киши ва бошқа районларда юзлаб кишилар ўқиб, қишлоқ хўжалик машиналарини бошқаришни ўрганмоқдалар.

Лекин республикамизнинг айрим районларида тракторчилар тайёрлаш курсларида машғулотларни бошлашга кечикиб киришилди. «Узсельхозтехника»нинг Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Ўзбекистон, Учқўрғон, Поп, Нарпай, Қамаши ва бошқа бир қатор район бирлашмаларида курслар белгиланганидан кеч ташкил қилинди ва тингловчиларни танлаш анча чўзилиб кетди. Шу сабабли бўлажак механизаторлар программанинг назарий қисмини ўқиб тамомламасдан ишлаб чиқариш практикасини ўтишга юборилди. Улар имтиҳон вақтигача ўқув программаси материалларини тўла ўрганишлари зарур. Бу ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан курсларда дарс бераётган ўқитувчиларга боғлиқ. Улар тингловчиларга нисбатан талабчанликни оширишлари, уларга трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини техника қаровидан ўтказиш қоидаларини пухта ўргатишга алоҳида эътибор беришлари керак. Чунки, механизатор кадрлар қанча чуқур ва кенг билим олса, уларнинг малакаси юқори бўлса, колхоз ва совхозларга шунча кўп фойда келтирадилар, мавжуд машиналардан тўла ва унумли фойдаланилади, дала ишлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилади. Оқибатда ҳосилдорлик ошади, давлатга етказиб бериладиган маҳсулотнинг миқдори кўпаяди.

Ж. РАСУЛЕВ,
«Узсельхозтехника» бирлашмаси кадрлар бўлимининг бошлиғи.

СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ ШАРАФИГА

Ленин «Правда»си туғилган куннинг 53 йиллигини — Совет матбуоти кунини тантанали суратда нишонлаш учун Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари, коллективларининг неча юзлаб намояндалари 5 майда Навоий номли опера ва балет театрига тўпландилар. Театр залида тўпланган кишилар журналистларни, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, нашриёт ва босмахона ходимларини самимий кутиб олдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов қисқача кириш нутқи билан очди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот давлат комитети ва республика Журналистлар союзи чақирган.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Президиуми давомли қарсаклар остида йиғилишнинг фахрий президиумига сайланди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлган совет журналистларининг шонли традициялари, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасида уларнинг энг муҳим вазифалари тўғрисида гапирди.

Йиғилишда иккинчи вагон депосининг мастери П. Е. Лобанов, Тошкент Давлат университетининг профессори Ш. З. Ўразаев, Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртининг курсанти В. И. Ломейко, бадиий буюмлар фабрикасининг мастери Р. Хўжаевалар табрик нутқлари сўзладилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

Суратда: Обид АКИПОВ.

КОМПЛЕКС ЗВЕНОЛАР

Деҳқон учун ишлаб чарчамайдиган вақт келди. Зотан, шу кеча-кундузда ҳар туп ғўзага қалб ҳароратини бахш этган, вақтида чопиқ қилиб озиқлантирган, вақтида суғорган пахтакоргина кузакдаги юксак хирмонга пухта замин ярата олади. Бинобарин, ваъдасига вафо қилади, киссаси пулга, омбори донга, дастурхони ош-нонга тўлади.

Меҳнат, ижод, тажриба-ташаббус, янгиликни ҳис қилиш ва унга интилиш ўзбек пахтакорига одат бўлиб қолган. Бу хислатларнинг ҳаммаси деҳқонларимиз билан эгизакдир. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан сўнг социалистик қишлоқ хўжалигимиз равнақи йўлида олиб борилаётган мардонавор кураш бунга ёрқин далил бўла олади. Буни лоақал бизнинг комплекс механизациялаштирилган звеномиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Звеномизнинг 122 гектар ери бор. Утган йили шунча майдонда учта комплекс механизациялашган звено ишлаган. Биз ана шу звенолар сонини кескин камайтириб, биттага келтирдик. Мени шу звенога бошлиқ қилиб тайинлашди.

Биз ишни қандай бошладик? Даставвал шуни айтишим керакки, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти менга механизаторлардан Йўлдош Файзиев ҳамда Урмонали Тожиевни ёрдамчи қилиб бириктиб қўйишди. Биз экин майдонларини уч картага бўлдик. Ерни биргалашиб ҳайдадик, борона қилдик, биргалашиб чигит экдик. Ҳозир эса қатор ораларини биргаликда ишлаяпмиз. Мен звено бошлиғи сифатида 15 процент қўшимча ҳақ оляпман.

Биз звенолар сонини қисқартириш билан бир қаторда, аъзолар сонини ҳам 35 кишига камайтирдик. Бу билан ўтган йилдагига қараганда қарийб 50 процент ишчи кучи ҳамда маблағнинг тежаб қолинишига имконият яратдик. Чунки пахтакорлар меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўланиши, қўшимча маҳсулот эвазига уларнинг мунтазам равишда рағбатлантириб турилиши мўл ҳосил етиштиришимиз учун катта имкониятлар очиб бермоқда.

Звеномиз ерлари қирликлардан иборат. Шундай бўлса-да, бу йил пландаги 27 ўрнига 35 центнердан пахта етиштириш, шу билан бирга 1 центнер пахта таннархини 19 сўм 56 тийин эмас, 15 сўмга тушириш мажбуриятини олганмиз. Бундан бир неча кун илгари колхозимизда Урта Чирчиқ район механизаторларининг кенгаши бўлиб ўтди. Биз ана шу кенгашда социалистик мажбуриятимизни ўзгартирдик.

Барча майдондаги чигит бир текис униб чиқди. Яганалашни бугун-эрта тамомлаймиз. Ҳозиргача 80 гектар ердаги ғўзани кўндалангига культивация қилдик. Биринчи культивацияда менинг ўзим қатнашмоқдаман. Чунки бу даврда жуда эҳтиёт бўлинмаса, ёш ниҳолларнинг бир қисми нобуд бўлиб кетиши мумкин. Буни мен ўн йиллик тажрибамда синаб кўрганман.

Дастлабки культивация вақтида ҳар бир гектар майдонда 32 мингта уя бўлишига эришяпмиз. Ана шу уяларнинг ҳар бирида уч-тўрттадан ғўза тупи қолдириляпти. Шу йўл билан биз ҳар гектар ерда 95-100 минг туп ғўза ниҳоли бўлишини таъминламоқдамиз. Бундан буён кўчатларни тўла сақлаб қолиш учун барча агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширамиз.

Шу кеча-кундузда ҳар бир агрегат билан 8 гектар ердаги ғўзани кўндалангига культивация қилиш керак. Мен культиваторнинг ишчи органларини 60Х50 сантиметр схемасига мослаштириб регулировка қилганман. Кунда нормадаги 8 ўрнига 12 гектар майдондаги ғўзани культивация қиляпман. Тракторни бир марта заправка қилганда банка 78 килограмм ёнилғи кетади. Шу ёнилғи билан 20 гектар майдондаги ғўзани культивация қилиш мумкин. Лекин мен ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланиб, шунча ёнилғи билан 20 эмас, 25 гектар ердаги ғўзани культивация қиляпман. Трактор моторининг бирор минут ҳам беҳуда ишлашига йўл қўймайман.

Колхоз правлениеси тракторлар ремонти муддатини узайтирганлигимиз, запас қисмлардан ва ёнилғидан тежаб фойдаланганлигимиз учун, ана шу ишлар эвазига тежаб қолинган маблағнинг тенг ярмини механизаторларга бўлиб беришни лозим топди. Бу, техникадан янада максимал фойдаланиш, унинг бекор туриб қолмаслигига имкон бермоқда.

Звеномиз аъзолари бу йил 122 гектар майдондаги ғўзани 4,5 марта икки томонлама парвариш қилиш ва тўрт-тўрт ярим марта суғоришни кўзда тутишяпти. Ғўза қатор ораларини культивация қилишда 3 киши — мен ҳамда ёрдамчиларим Й. Файзиев, У. Тожиев қатнашамиз. Суғоришдан сўнг етилган карталарни пешма-пеш культивация қилиб борамиз. Сувчиларни эса ҳозирданоқ ажратиб қўйганмиз. Мардон Сабоев, Шоисмоил Аҳмедов, Турғунбой Мусаев сингари етти киши бош сувчи бўлиб ишлайди.

Ғўза парвариши даврида озиқлантиришга жиддий эътибор берамиз. Биринчи озиқлантириш 10 майга қадар тугалланади. Бунда ҳар гектар ердаги ғўза белгиланган миқдордаги азот билан озиқлантирилади. Иккинчи озиқлантириш 5 июндан бошланади. Учинчи озиқлантириш пайтида ҳар гектар ердаги ғўзага 300 килограммдан суперфосфат ҳамда 200 килограммдан гўнг соламиз. Шундай қилиб, ғўза тупларидаги ҳосилни тўла сақлаб қолиш учун шароит яратамиз.

Утган йили чеканкага 1 августдан бошлаб тушган эдик. Бу йил чигитни бултургига нисбатан 15 кун олдин ундириб олдик. Демак, қатор ораларини агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда ишлаб, ғўзани тез ривожлантирамиз. Чеканкани 15 июлдан бошлаб юборамиз. Бу эса йиғим-теримга қарийб икки ҳафта илгари тушишимизга имконият яратиб беради.

Звеномиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, пахта топшириш планини 20 иш кунида бажаришга қарор қилдик. Бу ҳақда район механизаторларининг кенгашида сўз бердик. Учта агрегат билан пахта териб, йиллик планни 20 иш кунида бажарамиз. Ушанда ҳар гектар ердан 27 центнердан «оқ олтин» топширган бўламиз. Сўнгра социалистик мажбуриятимизни бажариш учун теримни янада жадаллаштирамиз.

Бу йил 80 гектар майдондаги ҳосилни машиналарда териб оламиз. Шу майдонлардаги ғўзаларни ҳозирданоқ машина теримига мослаб парвариш қиляпмиз.

Етти йилликнинг сўнгги, ҳал қилувчи йилида гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» топшириш юзасидан колхозимизнинг Абдураззоқ Йўлдошев бошлиқ комплекс механизациялашган звеносини социалистик мусобақага чақирганмиз. Биз бу мусобақада ғолиб чиқиш учун куч ва ғайратимизни, маҳоратимизни аямаймиз.

Афсуски, колхозимизда ҳали ҳам паст ҳосилли звенолар борлиги ҳаммамизни ноқулай аҳволга солиб қўйяпти. Масалан, Маҳкам Рисбоев звеноси ўтган йили 19,6 центнердан, Хўжамурод Кўчкинов бошлиқ звено эса 19,9 центнердан пахта топширди. Бу, колхозимизнинг умумий кўрсаткичидан 5 центнер ва ундан ҳам зиёдроқ кам демакдир. Агар ана шу звенолар ҳам ҳосилдорликни лоақал 23-24 центнерга етказганларида, колхозимиз бўйича қўшимча равишда анча пахта топширган бўлардик.

Колхоз правлениеси, партия ташкилоти ва активларимиз қолоқ звеноларни ҳам илғорлар даражасига кўтариш юзасидан қатор тадбирларни ишлаб чиқдилар. Биз кам ҳосилли звенолар ўрнига комплекс механизациялашган звенолар тузиш йўли билан уларни илғорлар қаторига чиқариб олишимиз мумкин. Бундай звенолар колхозимизда ҳозирча 6 та. Лекин тағин икки-уч йилдан сўнг ҳамма жойда ана шундай звенолар тузилишига эришмоғимиз керак.

Социалистик мусобақа ҳар қандай деҳқонга ҳам жуда кўп нарсаларни ўргатади. Юқорида айтганимдек, Абдураззоқ Йўлдошев бошлиқ звено билан беллашиб жуда яхши иш қилдик. Бир-биримизнинг ишларимиздан доимо хабардормиз. Қани, биз билан яна ким беллашади? Мард киши майдонга чиқсин! Мусобақалашиб ишлайлик. Билганимизни баҳам кўрайлик, билмаганларимизни бир-биримиздан ўрганайлик. Замон талаби шу. Ҳа, звеномиз аъзоларининг кўнглидаги гапи ҳам шу!

Обид АКИПОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози комплекс механизациялашган звеносининг бошлиғи.

КПСС МК МАРТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ОММАГА

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин мамлакатимизда социалистик жамият қуриш йўллари тўғрисидаги таълимотини ишлаб чиққанда саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида иқтисодий муносабатларни ташкил этишга алоҳида аҳамият берган эди. В. И. Ленин социалистик экономикани барпо қилиш учун, уни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун бутун халқ хўжалигини, жумладан қишлоқ хўжалигини қайта ташкил этишга қодир бўлган қудратли ва юксак тараққий этган саноатни вужудга келтириш зарур деб таълим берган эди.

Ҳозирги замон саноатининг барпо этилганлиги мамлакат экономикасини тубдан ўзгартириш имконини берди ва Ватанимизнинг пешқадам индустриал давлатга айланишини таъминлади.

Хўжаликнинг социалистик системасини барпо қилиш қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуришни тақозо этди. Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги тарихан қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик ва коллектив меҳнатга асосланган юксак механизациялаштирилган йирик хўжаликка айланди.

Колхоз тузуми совет социалистик жамиятининг ажралмас қисмидир. Бу В. И. Ленин томонидан белгилаб берилган, тарих сабоғидан ўтган, деҳқонларнинг манфаатларига мос келадиган йўл, социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш йўлидир.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда колхозлар билан бир қаторда қишлоқларда етакчи социалистик корхона ҳисобланган совхозлар ҳам тобора катта роль ўйнамоқда.

Коммунистик партия қишлоқ хўжалигига доимо катта эътибор бериб келди ва шу туфайли мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги муваффақиятли ривожланди.

Бироқ, КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорида таъкидлаб ўтилганидек, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш суръати секинлашди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планлари бажарилмай қолди, ҳосилдорлик паст бўлди. Гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳам шу вақт ичида жуда кам миқдорда кўпайди. Масалан, сўнгги ўн йил ичида дон харид қилиш плани фақат 3 марта бажарилди. Контроль рақамларга кўра, етти йиллик (1959—1965 йиллар) давомида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 70 процент ортиши керак эди. Ҳақиқатда эса олти йил ичида атиги 10 процент ортди. Чорвачилик соҳасида ҳам шундай турғунлик юз берди.

Шундай фактлар ҳам юз бердики, кўпгина колхоз ва совхозлар дон тайёрлаш тугаллангандан сўнг уруғлик беришни сўраб давлатга мурожаат қилдилар. 1962 йилда давлат колхоз ва совхозларга 1 миллион 373 минг тонна уруғлик дон ажратди, бу йил эса колхозлар давлатдан 2 миллион тоннага яқин уруғлик сўрадилар.

1958 йилда бизнинг республикамизда пахтакор колхоз ва совхозларга бериладиган устама мукофот бекор қилинди, шунингдек, пахтакор колхозларга дон сотиш тўхтатилди. Бу эса пахтачиликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатди. 1958—1962 йилларда пахта ҳосилдорлиги республика бўйича ўртача 2,4 центнер камайиб кетди. 1963 йилда пахта нархи колхозлар учун 20 процент, совхозлар учун 12 процент оширилди. Пахтакор колхозларга дон сотиладиган бўлди. Бу тадбирлар амалга оширилгандан сўнг республика пахтакорлари дастлабки йиллардаёқ мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга 3 миллион 688,5 минг тонна пахта сотдилар. 1964 йилда ҳам пахтачиликда катта муваффақиятларга эришилди. Икки йил ичида ҳосилдорлик 3,4 центнер кўтарилди ва гектар бошига 22,6 центнерга етди.

Юқорида келтирилган мисол колхозлар давлатга етказиб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи даражаси, шунингдек, колхозлар давлатдан сотиб оладиган машиналар, ўғит, дон ва бошқа товарлар нархи даражаси нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи шундан белгиланиши керакки, бу нархлар моддий ва меҳнат сарфларини қопласин ҳамда колхоз ва совхозларда кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш учун жамғарма тўпланишини таъминласин.

Бироқ бир қатор зоналарда дон ва чорвачилик маҳсулотлари харид нархлари бу маҳсулотларни етиштиришга сарфланган харажатларни қопламас эди. Республикамизнинг кўпгина районларида пахтачиликдан олинаётган даромаднинг бир қисми чорвачилик келтираётган зарарни қоплашга сарфланаётганлиги ҳаммага маълумдир.

Қишлоқ хўжалиги суст ривожланаётганлигининг асосий сабаблари сўнгги йилларда социалистик ишлаб чиқаришни тараққий эттиришнинг иқтисодий қонунларининг, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг жамоат хўжалигини юксалтиришдан моддий манфаатдорлиги, ижтимоий ва шахсий манфаатларни бир-бирига тўғри уйғунлаштириш принципларининг бузилганлигидир.

Раҳбарликдаги субъективизм ҳам қишлоқ хўжалигини планлаштиришда, маблағ билан таъминлашда хатоларга олиб келди. Ишлаб чиқариш ва маданий-маиший қурилишларга етарли маблағ ажратилмади, моддий-техника базаси етарли мустаҳкамланмади. Раҳбарлик органларини асоссиз равишда қайта қуришлар колхоз-совхоз ишлаб чиқаришига катта зарар етказди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш ишларида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Чунончи, колхоз ва совхозларга маҳсулот тайёрлаш плани бир йил учун берилар, кейинчалик эса кўп марта ўзгартирилар, хўжаликларга қўшимча топшириқлар берилар эди.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини чуқур анализ қилиб, ишлаб чиқаришнинг бу муҳим соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф қилишнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни планлаштиришнинг бутунлай бошқача янги тартиби белгиланди. Бу — бир неча йилларга мўлжалланган қатъий планлардир.

Колхоз ва совхозларнинг давлатга буғдой, жавдар, шоли, гречиха, тариқ сотишни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1965 йил 1 майдан бошлаб янги харид нархлари белгиланди. Масалан, Ўзбекистон колхоз ва совхозлари учун бир тонна шолининг харид нархи 300 сўм, бир тонна буғдойнинг нархи 90 сўм белгилаб қўйилди.

Сўнгги тўрт-беш йил ичида хўжаликдаги ўртача кўрсаткичдан юқори даражада ҳосил олиб келган колхозчилар ва совхоз ишчиларига ана шу йиллар ичида ўртача даражадан ортиқча топширган шолининг 25 процентидан 50 процентигача бўлган қисмини бўлиб бериш колхозларга тавсия қилинди ва совхоз директорларига ҳам шундай қилишга рухсат этилди.

1965 йил 1 майдан бошлаб колхоз ва совхозлар планга қўшимча топширган буғдой ва бошқа дон маҳсулотлари учун 50 процент миқдорида қўшимча ҳақ оладилар. Шунингдек колхоз ва совхозларнинг зона хусусиятлари ҳисобга олиниб, чорвачилик маҳсулотлари нархи анча оширилди. Шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари харид нархи ҳам бирмунча оширилади.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари дон ва гўшт нархлари оширилганлигидан йилига 40 миллион сўм қўшимча даромад оладилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, пахта нархи оширилганлиги туфайли Ўзбекистон колхоз ва совхозларининг даромадлари сўнгги икки йил ичида 300 миллион сўмдан кўпроқ ортди.

Колхозлардан даромад солиғи олишнинг янги тартиби тўғрисидаги Фармон партия ва ҳукуматимизнинг колхозчи деҳқонлар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг яна бир ёрқин далилидир. Шу вақтга қадар колхозларнинг ялпи даромадидан солиқ олинар эди. Эндиликда эса колхозлардан олинадиган даромад солиғи соф даромадга қараб белгиланади.

Колхозлардан соф даромаднинг 12 проценти миқдорида даромад солиғи олинади. Бунинг натижасида Ўзбекистон колхозлари 50 миллион сўмга яқин фойда кўрадилар.

Иқтисодий заиф колхозларга ёрдам кўрсатиш мақсадида уларнинг давлатдан қарзлари кечиб юборилмоқда. Бундай қарзлар эса Совет Иттифоқида икки миллиард 10 миллион сўмдан иборат эди.

Қишлоқларда матлубот кооперациялари томонидан сотиладиган товарларнинг устама нархи анча камайтирилади. Шунинг ўзидан республика қишлоқ меҳнаткашлари бир йилда 18 миллион сўмдан кўпроқ фойда кўрадилар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми колхозларда меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, колхозчиларнинг меҳнатига гарантияли ҳақ тўлаш учун пул ва натура фондларини вужудга келтириш юзасидан конкрет таклифлар тайёрлаб чиқишни тегишли ташкилотларга топширди.

Шундай қилиб, эндиликда қишлоқ хўжалик ходимларининг ўз меҳнатлари натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш учун жуда катта имкониятлар очилмоқда, бу эса меҳнаткашларнинг ижодий активлиги ва ташаббускорлигини оширишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кескин кўпайтирилишига олиб келади.

Шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни янада яхшилаш, ремонт базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик техникаси нархларини тартибга солиш, капитал маблағ ажратишни кўпайтиришга қаратилган чоралари ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Партиянинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан белгилаган энг зарур тадбирларини бутун совет халқи мамлакат экономикасини юксалтириш ва меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг энг муҳим тадбирлари сифатида хурсандчилик билан кутиб олдилар. Пленум қарорида кўрсатилганидек, бу тадбирларнинг амалга оширилиши ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқини янада мустаҳкамлайди, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

А. МАМЕДОВ,
экономика фанлари кандидати.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

РЕДАКЦИЯ КЕЧА 140 ХАТ, 6 ФОТОСУРАТ ОЛДИ.

ДОҲИЙГА ҲАЙКАЛ

Бекобод районидаги «Чаноқ» совхози коллективи янги ўзлаштирилган ерда катта маданият ва истироҳат боғи бунёд этган эди. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майда бу ерда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг асосчиси Владимир Ильич Ленининг ҳайкали ўрнатилди.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ЁШ БОҒБОНЛАР

Тошкентдаги Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий текшириш институти ҳузуридаги боғбонлар мактабининг ўқувчилари шу институтнинг Мирзачўлдаги филиалида бўлиб, 300 гектар ердаги мева дарахтлари ва токзорларни парвариш қилдилар.

Б. ШЕРМАТОВ.

ЮЗ БАҲОРЛИ УМР

Пастдарғом районидаги «Коммунизм» колхози жамоатчилиги яқинда Маҳфират она Турдиеванинг юз йиллик юбилейини нишонлади. Онанинг катта қизи 60 ёшда, ўғли 50 ёшда. Бахтли кампирнинг 40 дан ортиқ невара, чевара ва эвараси бор.

Э. ТУРСУНОВ.

10 МИНГ СЎМ КЎП

Ғузор районидаги Деҳқонобод матлубот жамияти коллективи чорвадор ва ғаллакорларга савдо хизмати кўрсатишни тобора яхшиламоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида аҳолига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 минг сўмликдан кўп саноат ва озиқ-овқат моллари сотилди. Харид моллари орасида холодильник, кир ювиш машинаси ва бошқа маданий буюмлар салмоқли ўрин тутади.

М. АБДУРАҲМОНОВА.

БАХТЛИ БИЛЕТ

Наманган шаҳрида яшовчи Абдумажид Ҳожиевнинг қувончи чексиз. У 30 тийинлик пул-буюм лотереясига «Москвич-408» автомашинаси ютди.

Т. ЮНУСОВА.

ОБУНАЧИЛАР РАНЖИТИЛМАСИН

«Победа» колхозининг шофери С. Қўнишов 1965 йил учун «Совет Ўзбекистони», «Ленин йўли» газеталари, «Коммунист», «Муштум» журналларига обуна бўлган эди. Аммо ўтган тўрт ойда бирорта газета ёки журнал олгани йўқ. Чаян қишлоғидаги мактаб ўқитувчиси Э. Эшбеков ҳам газета-журналларни вақтида ололмаётир. «Қорақишлоқ», «Вахмал» совхозларининг кўпчилик бўлимлари, 2-«Ғаллаорол», К. Маркс номли совхоз меҳнаткашларига ҳам газета, журналлар ўз вақтида етказиб берилмаётир. Район алоқа бўлимининг бошлиғи Ўртон Жулбеков бундан хабардор бўлгани ҳолда ўзини бепарволикка солиб юрибди.

Ю. ҚУДРАТОВ,
Ғаллаорол район ижроия комитетининг ходими.

Б. Маматқулов, Ш. Шамс, А. Ҳайитов (Фарғона область, Киров райони), Б. Қўтбиддинов (Избоскан), Х. Абдуназаров (Косон), Ф. Садиров (Ромитан) юборган хабарларда пахтакор ва маккажўхорикорларнинг ижодий меҳнати улуғланади. Боғ-роғларни кенгайтириш, мева етиштиришни кўпайтириш ҳақида О. Шербеков (Ғаллаорол) Т. Убаев (Термиз) ёзиб юборган.

Қишлоқ мухбирларидан Р. Муҳиддинов (Фарғона) ўз хабарида янги автобус маршрути очилганини хабар қилади. А. Шокиров (ҳарбий қисм) жанговар сафдошларининг аъло хизмати ҳақида ёзиб юборган. И. Давлатов (Амударё), М. Шамсиддинов (Наманган), Т. Ашуров (Ленин райони), Б. Хонназаров (Қарши), И. Имомов (Балиқчи) йўллаган хатларда ҳам шу куннинг актуал масалалари ҳақида гап боради.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ҚУРИЛИШЛАРИДА

ЧОРВОҚ ГЭСи қурилиши Ўзбекистондаги муҳим гидротехника объектларидан бири бўлиб қолди. Ҳозир бу ерда Ғалаба куни шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бунёдкорлар Чирчиқ дарёсини шу йилнинг ноябрь ойидаёқ бўғишга тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. Ёрдамчи корхоналар қурилиши, қурувчилар учун уй-жой бинолари тиклаш ишлари ҳам авжида.

Павел Майер бошлиқ комплекс бригада бинокорлари ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиб, гидроузел яратаётганлар мусобақасининг олдинги сафида бормоқда. Бригада азаматлари илғор иш усулларига амал қилиб, ҳар дақиқадан самарали фойдаланиб смена топшириқларини 130-140 процент адо этишаётир. Суратларда: 1). Павел Майер (чапда) ўз бригадаси аъзоларидан Николай Кукушкин ва Бронислав Фольмер билан илғор тажрибаларни қўллаш ҳақида суҳбатлашмоқда. 2). ГЭС қурилишидаги участкалардан бири.

Р. Шамсуддинов фотолари.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАННАРХ НЕГА ҚИММАТ?...

Қорақалпоғистон Автоном республикасида пахтачилик саноати ва унинг тармоқлари йилдан-йилга кенгаймоқда. Пахта тозалаш заводларида янги техника ва илғор технология жорий этилиши натижасида маҳсулот сифати яхшиланяпти, таннархи арзонлашяпти.

Лекин Қўнғирот пахта тозалаш заводида бунинг тескарисини кўрасиз. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати бузиляпти, таннархи қимматлашиб боряпти, пахталар очиқ ҳавода тупроққа қоришиб ётибди.

Завод коллективи 1964 йилни ёмон якунлади. Бунинг устига қабул қилинган пахталарнинг сорти бузилди. Биринчи сортга қабул қилинган 10665 тонна пахтанинг 2371 тоннаси пастки сортларга, иккинчи сортдаги 2692 тонна пахтанинг 410 тоннаси учинчи сортларга қайтарилди. 978 тонна пахта учинчи сортдан тўртинчи сортга ўтказилди. Планни ошириб бажариш учун барча имкониятлар бўлишига қарамай, 34 тонна тола, 46 тонна уруғлик чигит, 150 тонна линт кам ишлаб чиқарилди. Маҳсулот таннархи қимматлашиб кетиши оқибатида завод 391 минг сўм зарар кўрди.

Завод раҳбарлари ўтган йилги жиддий хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олаётганлари йўқ. Колхоз ва совхозлардан қабул пунктларига пахтани қоп-қанорсиз ташиб олиш неча минг сўмлаб фойда келтиради. Лекин пахта тозалаш заводида бу ишга бефарқ қарашаётир. Бу йил пахтани қанорда заводга келтириш учун 84 минг 265 метр материал сарфлаш планлаштирилган. Бу 151 минг 71 сўмни ташкил қилади. Агар пахталар қоп-қанорсиз ташилса, шунча маблағни завод тежаб қолиши мумкин эмасми?!

Қорақалпоғистон Автоном республикаси Транспорт ва тош йўллар министрлиги (министри М. Исаков) автобазаларни махсус машиналар билан таъминлашда сусткашлик кўрсатмоқда. Ҳар бирига 7 тонна пахта жойлашадиган 30 дан ошиқ прицепли автомашиналар неча ойлаб министрликнинг базасида бекор ётди. Пунктлардан заводга пахта ташиш суръати эса қониқарсиз.

Шу йилнинг январь ойидан бери 57 километр олисдаги 3-«Шуманай» қабул пунктидан 8088 тонна пахтадан 800 тонна, 34 километр олисдаги «Янги турмуш» қабул пунктидан 2527 тонна пахтадан 265 тонна, 58 километр олисдаги «1 Май» пунктидан 1558 тонна пахтадан 310 тоннаси ташиб олинди, холос. 63- автобаза транспорт билан етарли таъминланмаётир.

Ҳар куни ташилаётган пахталар 80-100 тоннадан ошмаётир. Пахталар бунтларда қизиб кетяпти. 3-«Шуманай» қабул пунктида 325 тоннадан ошиқ пахта қизиб кетди. Қизиган пахталар тезроқ ташиб олинмаса куйиб кетиш хавфи бор. Завод хом ашё билан тўла таъминланмагач ишлаб чиқаришга жиддий зарар келтиряпти. 2-3 кунлаб тўхтаб туриб қоляпти.

Ўтган йилнинг ёзида корхонага келтирилган ака-ука Биковлар яратган 2 та сушилканинг барабанлари ҳалигача ишга туширилгани йўқ. Пахталар эски маркадаги сушилкада қуритилмоқда. Унинг иш унуми жуда паст, 4 та тозалаш машиналари ҳам унумсиз ишламоқда.

Лекин завод раҳбарлари амалий ишга ўтмаяптилар. Улар фақат «у етмайди, бу етмайди, бизга ёрдам керак» қабилида иш тутмоқдалар. Завод механизация жиҳатдан ҳам, санитария-гигиена жиҳатдан ҳам талабга жавоб бермайди. Сал ёмғир ёғса завод территорияси лой бўлиб кетади. Йўлка ва қабул пунктларни асфальт қилиш ишлари пайсалга солиб қўйилган. Қачонгача шу аҳвол давом этаркин?...

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СИНОВ

Кеча тикув машиналарининг бир қисми янги операцияга мослаштирилди. Бугундан бошлаб ана шу машиналарда янги маҳсулот тайёрлашга киришилади. Ҳамма касса тахт. Лекин мастер Ф. Шаҳобиддинова навбатдаги синов қандай ўтишини сабрсизлик билан кутар эди. Мана, мастер ҳаммадан олдин цехга етиб келди. Машиналарни бир-бир кўздан кечирди. Кўнгилдагидек. Энди ҳамма гап ишчиларнинг янги операцияни қандай адо этишида қолди.

Шуларни кўнгилдан ўтказар экан, Мавжуда Шамсиева, Фарида Қосимова, Нури Назарова сингари қиз-жувонлар кўз ўнгидан бир-бир ўтди. Улар ҳамиша қийинчиликларни енгиб юрган ишчилар, мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтган чеварлар.

Кутилган дақиқалар келди. Ишчилар ўз ўринларини эгаллашди. Машиналарнинг бир маромда ҳаракатланишидан чиққан овоз кишига аллақандай завқ бағишлайди. Мастер ишчилар атрофида парвона. Фарида биринчи пальтони қўлдан чиқариб, тайёр кийимлар тўпланадиган жойга илганда мастернинг кўнгли ёришиб кетди. Смена охиригача 20 та янги хилдаги пальто тикиб чиқарилди.

— Бу, хамир учидан патир, — дейди мастер дугоналарига бирбир назар ташлаб. — Бир сменада шундай пальтолардан 75 тасини тайёрлашимиз лозим экан. Бугун ўзимизни синаб кўрдик. Натижа яхши. Эртадан бошлаб шиддат билан ишга киришсак, янги маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини яна ҳам пухта ўрганиб оламиз.

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикув фирмасининг 7-цехида хотин-қизларнинг устки кийимлари тикилади. Ф. Шаҳобиддинова бошлиқ смена коллективи янги хилдаги сунъий чарм пальто тайёрлашни муваффақиятли ўзлаштирди. Бундай пальто Ўрта Осиёда биринчи бўлиб шу ерда тикиб чиқарилмоқда. Бу хилдаги пальто Ўзбекистон об-ҳавосига жуда мос. Уни плаш ўрнида ҳам, қишлик пальто ўрнида ҳам кийиш мумкин. Янги хил пальто бежирим, қуёш нурида товланиб туради. Совуқлаб ювганда ҳам аввалгидай йилтираб тураверади.

Цех фидокорлари апрель ойида 9 хил моделда 6 мингдан ортиқ пальто тикдилар.

А. БАРАТОВА.

БУ ЕНГИЛТАКЛИКМИ?

РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШ ВА АРХИТЕКТУРА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ВА «ТАШГИПРОГОР» ИНСТИТУТИ ДИҚҚАТИГА

◆ ◆

Қурилиш лойиҳадан бошланади. Лойиҳадан кетган камчиликни тузатиш осон эмас. Бу камчилик бир уйни эмас, шу лойиҳа бўйича қурилган ҳамма уйларни бузади. Яшаш учун ноқулайликлар туғдиради. Айниқса, типовой лойиҳаларнинг мукаммал бўлмаслиги катта зарар, Чунки бундай лойиҳалар билан бир вақтнинг ўзида ўнлаб уйлар қурилади.

Шунинг учун ҳам типовой лойиҳаларнинг қанчалик мукаммал бўлиши, табиий-иқлим шароитларига ва халқнинг талаб, анъаналарига жавоб беришини ҳисобга олмасдан туриб тасдиқлаш яхши натижа бермайди. Афсуски, шундай ҳоллар тез-тез учраб туради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзининг 1959 йилдаги пленумида қимматга тушаётган, аҳолининг талабларига жавоб бермайдиган, кўримсиз уйлар қуришни тўхтатишни талаб этган эди. «310-И» серияли типовой лойиҳа мукаммал бўлмаган ана шундай лойиҳалардан эди. Пленум қўйган талабларга кўра шу лойиҳа бўйича уйлар қуриш тўхтатилиши керак эди. Афсуски, лойиҳага иккинчи марта озгина ўзгартиш киритиш билан ҳамон уйлар қуриляпти. Ана шу ўзгартирилган лойиҳа билан қурилган уйлар ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг текширишларига кўра, «310-И» серияли типовой лойиҳа бўйича қурилган уйларда яшаш киши соғлиғига ёмон таъсир қилади. Бундан «310-И» серияли типовой лойиҳа бўйича республикада уйлар қуришга рухсат берган республика Давлат қурилиш комиссияси ҳам хабардор. Лекин ҳеч қандай чора кўрилмаётир.

Шунингдек, Тошкент уйсозлик комбинати ва қурилиш индустрияси заводлари ҳозирга қадар мукаммал типовой лойиҳаларга эга эмас. Бу йирик панелли индустриал қурилишнинг аҳамиятини туширади, йирик панеллардан яхши уйлар қуриш мумкин эмас деган ёмон тушунчанинг кенг тарқалишига олиб боради. Тошкент уйсозлик комбинати учун қайта ишланган «1 Уз-500СП» серияли лойиҳа ҳам унча мукаммал эмас. 6.3 ва 7.3 квадрат метрли хоналарнинг кўплиги, хоналарга бир-биридан ўтилиши, санузелнинг торлиги яшаш учун ноқулайликлар туғдиради.

Конструкция жиҳатдан бу «1 Уз-500СП» лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан анча мукаммал тузилган «Камю» лойиҳаси схемаси бузиб қўйилган. Қош қўяман деб кўз чиқарилган. Шунингдек, бу лойиҳа конструкциялар ишлаб чиқаришни ҳам қимматлаштириб, ҳам мураккаблаштириб юборди. Натижада йиллик ташлаб юборилаётган брак йиғма темир-бетон қарийб 35400 кубометрни ташкил этмоқда. Шундай қилиб, йирик, замонавий жиҳозланган Тошкент уйсозлик комбинати лойиҳа туфайли зарарга ботяпти.

Ҳозирги пайтда фойдаланилаётган типовой лойиҳалар ва қайта ишланган «310-И» «1 Уз-500СП» ва «1-464 УСП» серияли лойиҳаларда деярли бир хил камчиликларни учратамиз.

Лекин негадир Тошкент уйсозлик комбинатини янги лойиҳа бўйича конструкциялар ишлаб чиқаришга мослаш ўрнига, «1Уз-500СП» серияли лойиҳага мослашмоқда. Бу иш тўрт йилдан бери чўзилиб келяпти. Бунинг устига Тошкент уйсозлик комбинатини ана шу лойиҳага мослаб қайта ускуналаш қимматга тушиб кетади. Бунинг ўрнига ҳозир амалда бўлган «1-464» ва уйсозлик комбинати лойиҳаларидаги панелларнинг ўрнини алмаштириш билан худди шу лойиҳаларни мукаммаллаштириш мумкин эди. Шунда комбинатни қайта ускуналашга ҳеч бир ҳожат қолмайди. Лойиҳани қайта ишлашга, техника ҳужжатлари тайёрлашга 4 йил эмас, 1-2 ой вақт кетиши мумкин. Ана шундай лойиҳа-таклиф йўқ эмас. У ҳатто бундан тўрт йил илгари муҳокамага қўйилган: тегишли ташкилотларда мутахассислар муҳокама қилган. Унинг афзалликлари таъкидланган. Лекин бу лойиҳа-таклиф ҳамон ҳаётга йўлланма олгани йўқ.

Ана шу таклиф автори сифатида унинг афзалликларига суяниб, уни яна мутахассислар муҳокамасига ташламоқчиман. «310-И», «1-464» ва Тошкент уйсозлик комбинати лойиҳаларини такомиллаштириш имконини берадиган таклиф-лойиҳалар анча афзалликларга эга. Хоналарга бир-биридан ўтилмайди. Уй-жой майдони 16-20 процент ортади. Алоҳида жойлашган санузелни табиий ёритиб, шамоллатиб туриш мумкин бўлади. Ошхона майдони 7 квадрат метр бўлади. Турар-жой майдонининг таннархи 10-15 процент камаяди. Бу афзалликлар бир қанча техника кенгашларида тасдиқланган ва лойиҳа-таклифни ишлаб чиқиш тавсия этилган эди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети уч марта — 1960, 1962, 1964 йилларда бу маъқулланган таклиф-лойиҳаларнинг техника ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳақида кўрсатма берди. Маблағ ажратди. Республика Давлат қурилиш комиссияси бу ишни «Узгоспроект» ва «Ташгипрогор» институтларига топширди. Бу лойиҳа техника ҳужжатларини институтлар 1962 йилнинг декабрида республика «Госстрой»ига тақдим этишлари керак эди. Афсуски, ҳалигача бу ишни лойиҳачилар қўлга олишгани йўқ. Бундай аҳволда республиканинг табиий-иқлим шароитларига мос келадиган, аҳолининг талабларига жавоб берадиган типовой лойиҳалар яратиш мумкинми?! Янгиликка нисбатан шундай муносабатда бўлиш кимнинг зарарию, кимнинг фойдаси?! Бу нима, енгилтакликми, ё жоҳилликми?

А. ЦИТОВИЧ,
инженер.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА *босилгандан* КЕЙИН

«РАЙКОМ ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 9 март сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Булунғур район Жомбой матлубот жамияти бошланғич партия ташкилоти фаолиятидаги жиддий нуқсонлар очиб ташланди. Партия ташкилоти маъмуриятнинг фаолияти устидан контролликни кучайтирмаган. Савдо ходимлари орасида таълим-тарбия ишларини яхшилаш чораларини кўрмаган. Бу ерда беш-олти ойлаб партия мажлиси ўтказилмаган. Аҳёнда ўтказилган коммунистлар йиғилишида қабул қилинган қарорлар амалга оширилмай қоғозда қолиб кетган. Бутун йил давомида бирор киши партия сафига қабул қилинмаган. Партия ташкилотининг секретари О. Зубайдуллаев коммунистларнинг ишончини оқламаган. Район партия комитети раҳбарлари матлубот жамиятидаги камчиликларни ўз вақтида тузатиш чораларини кўрмаган, партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини оширишда амалий ёрдам бермаган.

Танқидий мақола, — дейилади район партия комитетидан олинган жавоб хатида, — райкомнинг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тўғри эканлиги эътироф этилди. Коммунистларнинг ишончини оқлай олмагани ва ўз фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун О. Зубайдуллаев матлубот жамияти бошланғич партия ташкилотининг секретари вазифасидан олиб ташланди. Шунингдек, секретарь ўринбосари М. Гилязов ҳам вазифасидан бўшатилди. Савдо ходимлари орасида оммавий-тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

16,5 МИНГ ТОННА ПИЛЛА УЧУН

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси сўнгги бир ҳафтада меҳнаткашлардан пиллачилик ҳақида юзга яқин хат олди.

Уч ёшда

ЮНУСОБОД. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози аъзолари бу йил 17 тонна пилла етиштириш учун кураш бошладилар. Улар парвариш қилаётган 280 қути қурт уруғи уч ёшга тўлди. Ҳамма пиллачилик бригадаларида қурт марказлаштирилган тартибда боқилмоқда.

Пиллакорлар орасида юз килограммчилик ҳаракати авж олди. Бу ҳаракатга қўшилган Маҳкам Эшматова, Тожи Бегматовалар парваришидаги ипак қурти пилла ўраш арафасида турибди. Колхозда пиллакорларга кўмаклашувчи постлар тузилди.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ,
Калинин райони.

Катта даҳада

Шўрчи районидаги Киров номли колхоз пиллакорлари бу йил пилла ҳосилини ўтган йилдагига нисбатан камида бир тонна кўпайтириш мажбуриятини олганлар. Ортиқ Жумаев бошлиқ бригададаги қуртлар катта даҳага кирди.

Колхозчиларнинг фидокорона меҳнати бу йил хўжалик бўйича ҳар қути қурт уруғидан 75 килограммдан пилла етиштириш мумкинлигидан далолат бериб турибди.

Н. ТОШБОЕВ.

Янгиқўрғон миришкорлари

Ленин номли колхоз райондаги йирик пиллачилик хўжалигидир. Пиллакорлар бу йил салкам 40 тонна пилла етиштиришлари керак. Н. Юсупов, А. Мирзаев, Б. Расулевлар бошлиқ бригадаларда қурт уч-тўрт ёшга кирди. Қурт ҳар куни беш-олти марта янги кесилган барг билан боқилмоқда.

— Пилла қурти яхши парвариш қилиняпти, — дейди Нишонбой ака Юсупов, — сўкчаклар ҳам, барг ҳам етарли. Энди гап ўзимизга боғлиқ бўлиб қолди. Бир ойлик қийинчиликка бардош берсак, ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан пилла олиш ҳақидаги мажбуриятимизни бажарамиз.

Ниятингиз ҳамроҳингиз бўлсин, пиллакорлар!

Ж. НИЗОМОВ.
Янгиқўрғон райони.

Ҳимматингизга балли

Карл Маркс номли колхоз пиллачиларининг шуҳрати бутун район бўйлаб таралган. Бу ерда ҳар қути ипак қуртидан 60 килограммдан кам пилла олувчи биронта пиллакор йўқ. Мусобақа ғолиблари эса 90-100 килограммдан хирмон кўтармоқдалар. Етти йилликнинг сўнгги босқичида хўжалик бўйича 80 килограммдан ҳосил олиш учун кураш кетмоқда.

Ҳикматой Мамасолиева, Робия Саидқулова сингари пиллачилик усталари парвариш қилаётган ипак қурти айниқса тез ривожланмоқда.

—Мавсум қизғин тус олди,—дейди Робия опа,— қуртни ёшлигидан ҳар куни камида беш-олти марта озиқлантириш керак. Ҳар дона қуртни кўз қорачиғидек асраш зарур. Қурт ёшлигида турли ҳашаротлар, қурт-қумурсқадан айниқса эҳтиёт қилиниши керак. Шуни унутмаслик лозимки, тарозини ҳар дона қуртдан олинган пилла босади. Мен ҳар қути ипак қуртидан 120 килограммдан пилла оламан. Мусобақадошларим ҳам шундай яхши ният билан меҳнат қиляптилар.

М. УНАРОВ.
Пайариқ райони.

ШОГИРДЛАР

Моҳир пиллакор, Давлат мукофоти лауреати Ҳурмат Тешаеванинг юзлаб шогирдлари бор. Раҳима Норқулова шулардан биридир. Раҳима опа бу йил 3 қути ипак қурти боқяпти. Ҳар қутисидан юз килограммдан пилла олишга аҳд қилди. У парвариш қилаётган қуртлар ҳозир беш ёшга кирди.

Бухоро районидаги «Маданият» колхозида бундай юз килограммчи пиллакорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Н. ОХУНЖОНОВ.

Навоий районидан хабар йўллаган А. Эргашев «Гигант» совхозида, Попдан хат юборган Т. Қўшматов «Москва» қишлоқ хўжалик артелида, вобкентлик Р. Азимов хабарида таъкидланишича, Ильич номли колхозда пилла қурти жадал усулда боқиляпти, пиллакорлар ҳар қутисидан 70-80 килограммдан пилла олиш учун курашмоқдалар.

Ж. Ҳафизов (Термиз), Н. Саноев, Н. Сафаров (Ғиждувон), М. Олимов, О. Жўраев (Москва райони), М. Янгибоев (Ургут), С. Қодиров (Ромитан), М. Бобожонов (Косон), Қ. Тожибоев (Сирдарё райони) ҳам пиллачиликни ривожлантириш, пилла қурти парваришига доир материаллар юборган.

Қишлоқ мухбирларидан шерободлик Н. Худоёров, кировлик А. Тошхўжаев, жеттисойлик Н. Худойбердиев, шаҳрисабзлик Ў. Жуманқулов, олтиариқлик М. Каримовларнинг материалларида ҳам муҳим темалар ҳақида гап боради.

Ўзбекистон ёзувчилари ва рассомлари съездлари олдидан

ИСТАКЛАРИМ

Хўп ажойиб замонда яшаяпмиз. Ҳар куни, ҳар онимиз сермазмун воқеаларга бой. Совет кишилари, қайси соҳада бўлмасин шарафли меҳнат қилиб, бахтли ҳаёт гаштини суряптилар.

Ёзувчиларимиз, композитор, рассомларимиз ҳам ана шу қувончли ҳаётимизни, фаровон турмушимизни ўз ижодларида завқ-шавқ билан акс эттирмоқдалар, куйламоқдалар. Биз улардан миннатдормиз.

Лекин кўпдан бир нарсани ўйлаб юрардим. Яқинда қаламкашларимизнинг съезди бўлишини эшитиб, юрагимга тугиб юрган истакларимни газета орқали уларга етказишга аҳд қилдим.

Ҳар ким ўз севган ошини ичади, деганларидек, мен ҳам ўз касбимга ихлос қўйганман. Шу сабабли қаерда бўлмасин ўз ҳунарим ҳақида гапиришни истайман, шу соҳада ёзилган бадиий асарларни қидириб топиб ўқийман.

Бир куни ёш ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Пўлат чавандоз» номли китобчасини ўқиб қолдим. Ўқидим-у, менда, нега ёзувчиларимиз темир йўлчилар ҳаёти, меҳнати, орзу-истаги ҳақида кам асар ёзишади, деган мулоҳаза туғилди. Тўғри-да, узоқ йўлни яқин қилувчи, оғир юкни енгиллаштирувчи, шаҳарни шаҳарга туташтириб, пўлат излардан елиб югирувчи тепловозлар, уларни ҳаракатга келтирувчи машинистлар, шунингдек проводниклар, диспетчерлар, поезд тузувчилар, составларнинг манзилдан-манзилга кечикмасдан, бешикаст етиб олишига ҳисса қўшаётган вагон ремонтчилари, оддий ишчилар ҳаётини акс эттирувчи бадиий асарлар йўқ даражада. Агар қалам соҳиблари темирйўлчиларимиз ҳаётини, орзу-истакларини чуқурроқ ўрганиб, меҳнатимиз билан яқиндан танишсалар, бизда ҳам бадиий асарларга мавзу бўлувчи ранг-баранг воқеаларни кўплаб учратиш мумкин.

Истагим шуки, бундан кейин темир йўлчилар ҳаёти ҳақида роман, повесть, ҳикоя, очерклар ўқисак...

Пўлат ХОЖИБОЕВ,
Тошкентдаги 1- вагон депосининг инженери.

ҚЎШИҚЛАР МАФТУНИМИЗ

Кенг яйловларда қўй-қўзиларнинг маърашларига мафтун бўлган кезларимда беихтиёр най чалишни, ўзим билган қўшиқларни хиргойи қилишни севаман. Қўшиқдан завқ олмаган, завқланмаган ким бор? Дарвоқе, гўзал ҳаётимиз, турмушимизнинг ўзи дилрабо қўшиқдир.

Шоирларимиз биз чўпонлар ҳақида ҳам қўшиқлар ёзиша бошлади, бу яхши. Лекин бу қўшиқларда чўпонларнинг ҳаёти, меҳнати негадир бир томонлама бўлиб қолаётир. Қўшиқчиларимиз нуқул тоза ҳавода майса гиламларга ёнбошлаб, най чалишимизни тасаввур қилишади. Бугина эмас, бизнинг ишимиз. Баъзи кезларда йиртқичлар билан юзма-юз олишамиз. Қор бўронларига дош бериб, илгари юрамиз.

Ёзувчи ва шоирларимиз бизнинг яйловларга ҳам келсалар деймиз. Зора чўпонлар ҳақида ҳам серзавқ ҳикоялар, поэмалар, ўлмас қўшиқлар яратилса.

Умрзоқ АЙМЕКОВ,
Навоий районидаги «Коммунизм» совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БИЗНИ УНУТМАНГ!

Спорт ўйинларидан бири футболнинг республикамизда оммавий тус олгани ҳеч кимга сир эмас. Буни яна турли касб эгаларидан иборат кўп сонли футбол шинавандалари ҳам яққол исботлайдилар. Ўзбекистонда бундан 5-10 йил муқаддам футбол қандай аҳволда эканлигига бир назар ташланг. Шу кеча-кундуздаги футболнинг ривожи, оммалашганини ўтмиш билан таққослаб, ўз кўзингга ишонмайсан киши.

Спорт мактабининг республикамизда ташкил топиши ва бу мактаб программасида футбол ўйини дарсининг қўйилиши қувончли воқеа эмасми? Бу ердан етишиб чиқаётган ҳаваскор футболчиларнинг ўйинини бир томоша қилинг-а. Таажжублансиз, ҳузур қиласиз.

Иттифоқимиз бўйича биргина Ўзбекистонда «Политотдел» колхозида «А» класси бўйича, Свердлов номли колхозда эса «Б» класси бўйича футбол командаларининг ташкил топиши қандай яхши. Демак, бир сўз билан айтганда футбол ўйини республикамизда физкультурачилик ҳаракатини ривожлантиришда катта восита бўлиб қолди.

Лекин мана шундай ривож топган, оммалашган спорт ўйини — футбол ҳақида республикамиз ёзувчилари ва шоирлари, композитор ва рассомлари нима дейдилар-у, нима демоқчилар. Биз шуни яхши биламизки, бу касб эгаларидан ҳам жуда кўпчилиги футбол ишқибозлари. Футбол ҳақида қўшиқ айтилса шаънимизга ярашмайдими? Футбол ҳақида кўргазмали нафис ишланган ажойиб плакатлар, расмлар бўлса ёмон бўладими? Ваҳолонки, ёзувчиларимиз, рассомларимизнинг кўпи футболнинг яхшигина ишқибозларидир. Умуман республикамизда футбол пропагандасини кучайтириш айни муддао, мақсадга мувофиқ деб биламиз. Албатта шундай бўлиши ҳам керак. Нима учун шоир ва ёзувчиларимиз, рассомларимиз ўз ҳиссаларини қўшмайдилар?

Б. АБДУРАИМОВ,
«Пахтакор» командасининг ҳужумчиси, СССР спорт мастери.

БИРИНЧИ КУЛЬТИВАЦИЯ ТУГАЛЛАНДИ

БУХОРО. Ромитан районида биринчи бўлиб чигит экишни тугаллаган «Бухоро» колхозининг меҳнатсевар аъзолари барча майдонларда чигитни бехато ундириб олдилар ва ғўза парваришини қизитиб юбордилар. Айниқса Тошпўлат Дурматов, Файзулла Омонов ва Бозор Тошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ёш ниҳолларни парвариш қилиш кўнгилдагидек уюштирилган. Бу бригадаларда биринчи культивация тугалланди.

С. ҚОДИРОВ.

ҚАҲРАМОН БОШЛИҚ БРИГАДАДА

ФАРҒОНА. Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор ўртоқ Қурбон Кенжаев бошлиқ бригадасида ғўза парвариши жадал суръат, аъло сифат билан олиб борилмоқда.

Қаҳрамон бошлиқ бригада биринчи культивацияни яқин кунлар ичида тугаллаш учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

О. БАРАТОВ.

«МОСКВА» МАШЪАЛЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши чўлида янги ташкил этилган «Москва» совхози Косон районидаги йирик хўжаликлардан биридир. Бу ерда чигит экиш агротехника қоидалари асосида барвақт тугалланди. Ҳозир ғўзалар мавж уриб ўсяпти.

Лўкча Ашуров, Шодмон Тоғаев, Хўжақул Йўлдошев, Муҳаммади Баратов, Эшонқул Шодиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларни совхоз машъаллари деб аташади. Дарҳақиқат, бу тўғри. Ана шу пешқадам бригадалар совхозда биринчи бўлиб культивацияни бошлаб юбордилар.

М. БОБОЖОНОВ.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

ШОНЛИ ЙИЛЛИК

РАКЕТА ҚЎШИНЛАРИ БОШ ҚЎМОНДОНИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ Н. И. КРИЛОВ.

◆ ◆

Коммунистик партия раҳбарлик қилган совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари йигирма йил муқаддам фашистлар Германиясига қарши Улуғ Ватан урушини ғолибона суратда тугалладилар. Бу уруш Ватанимиз тарихидаги энг оғир ва қонли урушлардан бири бўлди.

Улуғ Ватан уруши йиллари тарих ичкарисига қанча чуқур кириб борган сайин ўз Ватанининг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун, фашизм асоратга солиб қўйган халқларнинг озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашда совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари кўрсатган мислсиз жасоратнинг улуғворлиги бутун дунё назарида шунчалик ёрқин ва яққол намоён бўлмоқда. Бизнинг армиямиз бутун дунё назарида халоскор армия бўлиб гавдаланди. Унинг герман фашизмини тор-мор келтиришдаги хизматларига бутун инсоният тан берди.

Ўтган уруш совет ижтимоий ва давлат тузумини, бутун совет халқининг матонати, мардлиги ва жипслигини ҳар тарафлама синовдан ўтказди. Бу уруш мисли кўрилмаган куч-ғайратлар сарфлашни, жуда кўп қурбонлар ва машаққатларга чидашни талаб қилди. Совет кишиларининг фронтларда кўрсатган қаҳрамонона шижоаткорликлари ва уларнинг фронт орқасида қилган фидокорона меҳнатлари бўлажак авлодлар учун абадий ўрнак бўлиб, нур сочиб туради.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари фашизмга қарши олиб борилган курашнинг асосий оғирлигини ўз елкаларида кўтариб чиқдилар. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари беҳисоб тўкилган қон эвазига, социалистик Ватаннинг кўпдан-кўп ўғил ва қизлари ўз жонини қурбон қилгани эвазига ғалабани қўлга киритдилар, гитлеризмни ва унинг босқинчи армиясини ер билан яксон қилиб, кулини кўкка совурдилар.

Социалистик Ватанга қизғин муҳаббат, юксак социалистик онглилик ва СССР халқларининг бузилмас дўстлиги совет кишилари кўрсатган оммавий қаҳрамонлик, сабот-матонат ва мардликнинг манбаи бўлди.

Совет кишилари Ғалаба байрамини нишонлар эканлар, ғалабанинг умумий ишига антигитлерчи коалициядаги бошқа мамлакатларнинг халқлари қўшган ҳиссани ҳам тан оладилар ва қадрлайдилар.

Совет Армияси билан урушдан кейин социалистик қурилиш йўлига тушиб олган мамлакатлар армияларининг жанговар дўстлиги немис-фашист босқинчиларга қарши биргаликда олиб борилган курашда таркиб топа бошлаган эди, ҳозир эса бу дўстлик ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Бу — социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари хавфсизлигининг гаровидир.

Иккинчи жаҳон урушининг якунлари империализмнинг тарихий тараққиётнинг боришига уруш йўли билан халақит беришдан иборат сиёсати ассоссиз эканлигини яққол кўрсатди ҳамда инсоният социализм ва коммунизм йўлидан муттасил илгарилаб бораётганлигини бутун дунёга намойиш қилди.

Совет халқи ва унинг жангчилари фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонишга олиб келган шонли йўлимизни ва урушдан кейинги ютуқларимизни шу кунларда назардан ўтказар эканлар, гитлерчи босқинчиларга берилган умумхалқ зарбасининг ташкилотчиси ва илҳомчиси — жонажон Коммунистик партияга нигоҳ ташламоқдалар.

Жаҳонда шундай кучлар борки, улар Совет Иттифоқи фашизмни тор-мор келтирганлиги ва ғалабага эришганлиги сингари жаҳон тарихидаги муҳим воқеанинг аҳамиятини камситишга ҳаракат қилмоқдалар. Иккинчи жаҳон урушининг қонли тажрибаси барча кишиларда фашизмнинг мудҳиш жиноятларига қарши қаҳр-ғазаб ва норозилик туйғуси уйғотмоқда, халқларни янги жаҳон уруши йўлига туртиб юбормоқчи бўлаётганлар шаънига айбнома бўлиб эшитилмоқда. Империалистлар сўнгги икки жаҳон уруши ўртасидаги вазиятни такрорлаётган ишларни сиёсатда яна амалга оширмоқдалар. Империалистик давлатлар оламнинг ҳамма қисмида ҳарбий агрессив иттифоқлар тузиб қўйдилар. Иккинчи жаҳон уруши арафасида бўлганидек, герман милитаризми яна тез тикланмоқда, у ракета-ядро қуролини олишга жон-жаҳди билан интилмоқда. Антикоммунизмнинг қора байроғи остида «маҳаллий» урушлар олиб борилмоқда, бир қанча мамлакатларда ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати бостирилмоқда.

Йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган социализм лагери, инсониятнинг барча тинчликсевар кучлари империализмнинг агрессия лагерига қарама-қарши турибдилар. Тарихий тажриба бизни шунга қатъий ишонтирмоқдаки, Совет Иттифоқининг ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг куч-қудратини доимо ошириш, муттасил ҳушёр бўлиб туриш, душманга қақшатқич зарба бериш учун ҳамма вақт шай бўлиб туриш —душманнинг қўққисдан қиладиган ҳужумига қарши қўлланиладиган бирдан-бир тўғри воситадир.

Улуғ Ватан урушидан кейин ўтган йиллар ичида Совет Иттифоқи социализм ва коммунизм қурилишида катта-катта ғалабаларга эришди, унинг куч-ғайрати, халқаро миқёсдаги обрўси ва нуфузи ниҳоятда ошиб кетди, жаҳон социалистик лагерининг куч-қудрати юксалди, империализм мустамлакачилик системасининг емирилиш жараёни кучайди.

Герман фашизми устидан ғалаба қозонилганидан бери ўтган 20 йил ичида Совет Қуролли Кучлари ривожланишнинг катта йўлини босиб ўтдилар. Уларнинг жанговар қудрати кўп баравар ошиб кетди. Қурол-яроғлар, жанговар техника, жанг ҳаракатларини олиб бориш усулларига сифат жиҳатидан каттагина ўзгартишлар киритилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати СССРнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб, ҳарбий қурилишнинг ҳамма соҳаларида чинакам революцион ўзгаришларни ҳаддан ташқари дадиллик ва зўр ташаббускорлик билан кенг миқёсларда ўтказдилар.

Қисқа муддатларда Ватанимизнинг қудратли ракета-ядро қуроли яратилганлиги ва шу қурол Совет Қуролли Кучларининг ҳамма турларига ёппасига жорий этилганлиги бу ўзгартишларнинг энг асосий нишонасидир. Совет Қуролли Кучларининг техника билан таъминланиши ва ташкилий структураси қуролли курашда улар адо этиши лозим бўлиб турган вазифаларнинг характерига тўла мувофиқлаштириб олинди.

Совет Қуролли Кучларининг янги тури — стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинларининг тузилганлиги мана шу йўлда қўйилган ҳал қилувчи қадамдир.

Совет реактив қуроли Улуғ Ватан урушидаги жанг майдонларидаёқ ўзини сўнмас шон-шуҳрат билан қоплаган эди. Урушдан кейинги йилларда янги совет қуроли машҳур «катюша»лар ва дастлабки реактив самолётлардан ҳозирги замоннинг қитъалараро ва глобал ракеталаригача гигант сакраш қилди.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинлари шундай ракета-ядро воситалари билан қуроллантирилганки, қуролли курашнинг бошқа ҳар қандай воситалари шулар сингари жанговар хусусиятларга эга бўлмаган эди ва ҳозир ҳам эга эмас.

Совет ракета-ядро қуроли аслида чекланмаган масофада жанг қилиш қудратига эга бўлиб, унинг вайрон этиш кучи ҳам чексиздир. Гоят катта қудратга эга бўлган, ракеталар ҳужумидан мудофаа қилувчи замонавий воситаларга чап бериб кетадиган ядро зарядларини стратегик ракеталар нишонга бениҳоя аниқ элтиб қўйиши мумкин.

Совет Иттифоқи космик фазони ўзлаштириш программасини муваффақият билан бажараётганлиги совет ракеталарининг тенги йўқ фазилатларидан далолат бериб турибди. Ичида Ватанимизнинг икки жасур фарзанди — Павел Иванович Беляев билан Алексей Архипович Леонов бўлган «Восход-2» космик кемасининг парвози совет ракета техникасининг чинакам зафарли тантанасидир.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинлари доимо жангга тайёр бўлиб турувчи қўшинлар қаторига киради ва ҳозирги замон урушининг туб, асосий вазифаларини ҳал қилмоғи керак. Шундай ракета қўшинлари тинч даврда ҳам совет халқи ва бутун тинчликсевар инсоният учун ҳаётий муҳим бўлган жанговар вазифаларни ҳал қилмоқда.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинлари империалистик агрессорларнинг макрли режаларни амалга оширишга имкон бермай, уларнинг йўлига даҳшатли ғов солиб қўймоқда. Ракета қўшинларининг жанговар қудрати кундан-кунга ўсиб бормоқда. Ракетачи жангчиларнинг сиёсий-маънавий руҳи ва техникавий маҳорати узлуксиз ошмоқда. Ҳозирги вақтда ракета қўшинларининг шахсий составини тарбиялаш ва ўқитиш доимо жангга шай бўлиб туришдан иборат асосий вазифага бўйсундирилган.

Ракетачи жангчилар совет халқининг ҳаётидаги катта воқеани — фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк ғалабанинг 20 йиллигини шонли жанговар ишлар билан кутиб олмоқдалар. Ракетачи қўшинларнинг солдатлари, сержантлари, офицер ва генераллари қўшинларнинг жангга шай ҳолатда туриши учун юксак даражада масъулият ҳис қилиб, жанговар ва сиёсий тайёргарлик савиясини ва сифатини узлуксиз оширмоқдалар. Ракета қўшинлари сафида юқори малакали мутахассислар, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш — ҳар бир ракетачи жангчининг шон-шараф ишидир.

Машқий жангларда ракеталар учиришни фақат «яхши» ва «аъло» баҳолар билан ўтказиш ракета қўшинларидаги қисмлар ва бўлинмаларнинг шонли жанговар традицияси ҳамда шахсий составнинг техникавий маҳорати ошиб бораётганлигининг далили бўлиб қолди.

Совет Қуролли Кучлари қўлидаги ракета-ядро қуроли фақат ўз мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг ишончли гарантияси бўлиб қолмай, айни маҳалда барча социалистик мамлакатлар, бутун тинчликсевар инсоният тинчлиги ва хавфсизлигининг ишончли гарантияси ҳамдир.

Ракета қўшинларининг шахсий составининг Улуғ Ватан урушида совет халқи гитлерчилар Германияси устидан қозонган шонли ғалабанинг йигирма йиллигини нишонлар экан, Совет давлатининг асосий зарбдор кучи бўлган — стратегик мақсадлар учун мўлжалланган ракета қўшинларининг жанговар қудратини мустаҳкамлаш ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилаётган Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига ўзларининг беҳад миннатдорчиликларини изҳор қиладилар.

Совет Қуролли Кучлари энг асосий турининг намояндалари бўлган совет ракетачи жангчилари халқ уларни Ватанимиз давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг олдинги сафига қўйиб, ўз зиммаларига нақадар масъулиятли вазифа юклаганлигини жуда яхши билиб турибдилар. Улар бу юксак ишончни оқлаш учун ракетачи бўлинмаларнинг жанговар қобилиятини ва жангга тайёргарлигини бутун чоралар билан оширмоқдалар.

Ракета қўшинлари қурол-яроғ ва жанговар техниканинг янги турлари билан узлуксиз таъминланиб, уларнинг қудрати кун сайин оширилмоқда. Стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинларининг шахсий состави Коммунистик партия атрофига маҳкам жипслашиб, социалистик Ватанни, барча социализм мамлакатларини ҳимоя қилувчи фахрий вахтада турибдилар. Ракета қўшинлари — планетамизда тинчликнинг ишончли посбонларидир. (ТАСС).

Муросасизлар СИГНАЛИ

ЎЙДИМ-ЧУҚУР ЙЎЛЛАР

Йўллар ўйдим-чуқур, ўта олмаймиз,
Истаган манзилга ета олмаймиз.

Бу қўшиқни Самарқанд область Ғаллаорол районидаги Карл Маркс номли совхоз ишчилари тилидан эшитасиз.

Район марказидан совхозгача бўлган масофа 90 километр. Йўлнинг ўйдим-чуқурлиги машиналар қатновига ҳам, йўловчиларга ҳам қийинчилик туғдирмоқда. Натижада ишчилар кооперациясига меҳнаткашлар учун зарур бўлган товарлар ўз вақтида келтирилмаётир. Йўлни тузатиш ҳақида совхозда, районда кўпдан бери гапиришади. Ҳатто район йўл қурилиши бўлимида лойиҳа тузилиб, сарфланадиган маблағ ҳисоблаб чиқилган эди. Бунга ҳам бир йилча бўлди. Бироқ ҳамон ишдан дарак йўқ.

К. ЖЎРАҚУЛОВ,
ўқитувчи.
Н. ТЎРАЕВ,
совхоз ишчиси.

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Бундан уч йил аввал колхоз раиси ўртоқ Санджумаев, — қишлоқда ҳаммом қурамиз, меҳнаткашлар талабини қондирамиз, — деб ваъда берган эди. Бу масала ҳатто колхознинг ҳисобот мажлисида ҳам тилга олинди. Хўжалигимиз бадавлат. Икки йилдан бери республикада биринчи бўлиб пахта планини бажаради. Наҳотки, битта ҳаммом қуришга колхозимизнинг қурби етмаса? Етади! Фақат ваъдага вафо қилиш керак.

Қ. ТЎРАЕВ,
Бухоро область Вобкент районидаги «1 Май» колхози.

БОҒЛАР НЕГА ҚАРОВСИЗ?

Қашқадарё область Чироқчи районидаги «Қизил юлдуз» колхозида хўжаликка анча даромад келтирадиган 15 гектарли мевазор боғ бор эди. Лекин, боғ сўнгги йилларда негадир қаровсиз қолдирилди. Мана, икки йилдирки, ундаги мевали дарахтлар қуриб бормоқда.

Колхоз қишлоғидан ўтадиган марказий йўл четларидаги манзарали дарахтлар ҳам ҳар кимлар томонидан кесиб кетилмоқда, талон-торож қилинмоқда. Колхоз правлениеси эса бу ачинарли ҳолга негадир барҳам бермаётир.

Қ. СОДИҚОВ.

ҲУСНБУЗАР ЭЪЛОНЛАР

Шаҳримизнинг кенг кўчаларини сайр қилар экансиз, кўкўпар биноларни кўриб, устасига офарин дейсиз. Аммо шундай гўзал биноларнинг айримлари деворларига ёпиштирилган ҳуснбузар эълонларга кўзингиз тушса, таъбингиз хира бўлади. Мана, Тошкент шаҳар Чилонзор район Гагарин кўчасидаги 65-алоқа бўлим биноси деворларини ҳар хил эълон қоғозлари босиб кетибди. Баъзилари устма-уст ёпиштирилган. Девор сирлари кўчиб кетган. Шаҳарда эълонлар ёпиштирадиган махсус доскалар бўлишига қарамасдан баъзи кишилар истаган жойга: симёғочларга, автобус ва троллейбусларнинг тўхташ жойларига эълонларни ёпиштириб кетганлар. Бу билан кўркам шаҳримиз чиройига доғ туширмоқдалар. Бунақа ҳуснбузарликка чек қўйиш керак.

Ҳ. СОДИҚОВ.
Д. ҚОДИРОВА.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти энди беш ёшга тўлди. Шу вақт ичида нашриёт ёшларга, ўсмиринларга 658 номда 25 миллион нусхага яқин китоб тақдим этди.

Совет матбуоти куни муносабати билан ёш авторларнинг нашриётда дўстона суҳбати уюштирилди.

Ноширлар билан авторлар, ёш ёзувчилар яқиндан ҳамкорликда ижод қилиб, болаларга, ўсмиринларга яхши китобларни кўпроқ туҳфа этишлари учун нима қилиш кераклиги ҳақида фикрлашилди. Нашриёт ҳузурида «Ёш муаллиф хонаси» очилганлиги ҳаммани хушнуд қилди. Учрашув қизиқарли ўтди.

ФОТОМУХБИР А. Абалян олган бу суратда Ўрта Чирчиқдаги «Коммунизм» колхозининг сувчиси Мирзайўлдош ота Ҳидиралиевни кўриб турибсиз. Отахон эрта-индин эгатларга сув таратишга киришади.

ХУШХАБАРЛАР

ИЛК ҒАЛАБА

Фарғона область Охунбобоев районининг паррандабоқарлари КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини турмушга татбиқ этишга киришиб, дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Улар шу кунга қадар 1 миллион 186 минг ўрнига 1 миллион 208 минг дона тухум топшириб, ярим йиллик планни ошириб бажардилар.

Шу райондаги «Ленинизм» колхозининг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш юзасидан ярим йиллик топшириқни муваффақиятли адо этдилар.

О. ҚОСИМОВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ГЎШТ

ҚАШҚАДАРЁ. Ғузор районидаги «Оқработ» совхозининг азамат чорвадорлари давлатга 1500 центнер гўшт етказиб бериб, иккинчи квартал планини анча ошириб адо этдилар.

Шунингдек, «Пачкамар» совхози ҳамда Крупская номли колхозлар ҳам давлатга гўшт ва сут сотиш юзасидан иккинчи квартал планини аллақачонлар бажариб қўйишди.

Мазкур хўжаликларда пландан ташқари гўшт топшириш давом этмоқда.

Ж. ФАЙЗИЕВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхоз паррандачилари давлатга 175 минг дона тухум сотиб, йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

Колхозчилар йил охирига қадар яна 100 минг дона тухум топшириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

У. ИСТАМОВ.

ПЛАНЕТАМИЗ
ЯНГИЛИКЛАРИ

Халқаро ОБЗОР

АҚШНИНГ ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИНТЕРВЕНЦИЯСИГА ҚАРШИ

Американинг Доминикана Республикасидаги интервенциясига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда. Жаҳон жамоатчилиги Пентагоннинг Латин Америкасидаги кичик бир республикага нисбатан ўтказиб келаётган авантюристик сиёсатини қаҳр-ғазаб билан қоралаб, ватанпарварлардан қонли ўч олиш дарҳол тўхтатилсин, Американинг денгиз пиёда аскарлари Доминикана Республикасидан олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилмоқда.

◆ ◆ ◆ ◆

СОФИЯ. Болгария касаба союзлари Марказий совети Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига юборган телеграммасида АҚШнинг Доминикана Республикасидаги интервенциясига қарши қатъий норозилик билдирди. Марказий совет Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Доминикана халқига қарши агрессияни тўхтатишга қаратилган чораларни кўришга чақиради. Агрессорлар халқаро ҳуқуқнинг элементар нормаларини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини поймол этмоқдалар.

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасидаги Герман—Латин Америкаси жамияти Америка империализмининг Доминикана Республикасидаги қуролли интервенциясига қарши кескин норозилик билдирди. АҚШнинг ҳаракатлари, дейилади жамиятнинг баёнотида, Америка империализмининг чин қиёфасини Латин Америкаси ва бутун дунё халқларига яна бир марта кўрсатди.

Герман—Латин Америкаси жамияти озодлик ва мустақиллик учун курашаётган Доминикана Республикаси халқи билан бирдам эканлигини билдиради.

БЕЛГРАД. АҚШнинг Доминикана Республикасидаги интервенцияси муносабати билан ТАНЮГ агентлигининг баёнотида бундай дейилади: АҚШ ҳарбий кучларининг Доминикана Республикаси территориясига туширилганлиги Югославия Социалистик Федератив Республикаси ҳукумати ва халқини жиддий ташвишга солди. Баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, АҚШ, гарчи ўз интервенциясини ўз гражданларини ҳимоя қилиш зарурлиги ва бошқа баъзи сабаблар билан асослашга уриниб кўрса ҳам, бу важларни қабул қилиш мумкин эмас. АҚШ ҳаракатларининг мақсади ва моҳияти АҚШнинг мустақил мамлакат ички ишларига аралашуви учун қуролли кучлардан фойдаланишдан иборат.

Югославия ҳукумати ва халқи, деб уқтириб ўтилади баёнотда, бу интервенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг куч ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги, суверенитет ва ички ишларга аралашмаслик ҳақидаги принципларига тамомила хилоф деб ҳисоблаб кескин қоралайди. Югославия Социалистик Федератив Республикасининг ҳукумати Хавфсизлик Кенгашининг дарҳол зарур чоралар кўришини кутади.

МЕХИКО. Мексика коммунистлари Қўшма Штатларнинг Доминикана Республикасидаги агрессиясига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар. Улар Америка қўшинлари қардош республика территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилмоқдалар. Мексика Коммунистик партияси, деб таъкидланади махсус баёнотда, Доминикана халқининг Америка империализмига қарши, ўз ватанининг озодлиги учун олиб бораётган кураши билан бирдам эканлигини билдиради.

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентиналиклар гражданлар уруши давом этаётган Доминикана Республикасида АҚШнинг қуролли интервенция қилаётганлигини қатъиян қораламоқдалар. Социалистик партия ва христиан-демократик партиядан сайланган депутатлар Американинг Доминикана Республикаси ички ишларига аралашувини қоралаш учун миллий конгрессни дарҳол чақиришни талаб этдилар.

Демократ юристлар уюшмаси ва Аргентинанинг бошқа оммавий ташкилотлари Америка агрессиясини қораладилар.

ЛОНДОН. 3 майда умум палатасининг қизғин ўтган мажлисида бир қанча депутатлар Қўшма Штатларнинг Доминикана Республикасидаги агрессиясига кескин суратда қарши чиқдилар. Палата аъзоси Майкл Фут Англиянинг «кимдир коммунистик фитнани фош қилди, деган баҳона билан ташкил этилган ана шу мудҳиш агрессия»га қарши чиқаётир, деб аниқ айтиб беришни ташқи ишлар министридан талаб қилди.

Палата раисининг бу масалани муҳокамадан олиб ташлаш йўлидаги ҳар қандай уринишларига қарамай, палатанинг бошқа лейборист аъзолари Футнинг гапини қўллаб-қувватладилар. Масалан, Эмрис Хьюз Англия Американинг сиёсатидан юз ўгирганида жаҳон осойишта яшаган бўлар эди, деб таъкидлади.

ҚОҲИРА. Халқлар, деб ёзади «Алмаса» газетаси, Доминикана Республикасига қарши қилинаётган ҳарбий интервенция учун ва Санто-Домингода қон тўкилаётганлиги учун бутун жавобгарликни Вашингтон ҳукумати зиммасига юкламоқдалар. Вашингтондаги ҳукмрон доиралар, деб уқтириб ўтади газета, бутун жаҳон бизнинг вотчинамиз деган даъвони илгари суриб, қайсарлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳаракатлари халқаро ҳуқуқни қўпол равишда бузишдан бошқа бир нарса эмас.

ВАШИНГТОН. Сенатор Морзе (демократ, Орегон штатидан) бундай деди: Мен АҚШнинг Доминикана Республикасидаги денгиз пиёда аскарлари «Америка гражданларининг ҳаётини ҳимоя қилишдан ҳам нари ўтиб кетди» ва аскарлар тушириш вақтида қўйилган мақсадлардан бошқа мақсадларни кузатмоқда, деган хабарларни эшитиб ғоят ташвишландим. Сенатор конгрессда нутқ сўзлаб, «биз, ўз кучимизга жуда ҳам маҳлиё бўлиб кетмадикми?» деб сўради. Морзе сенатнинг ташқи ишлар комиссияси Америка денгиз пиёдаларининг ҳаракатларини қараб чиқсин, деб талаб қилди.

ДЕҲЛИ. «Пэтриот» газетаси ёзади: «Америка қўшинларининг Доминикана Республикасига туширилиши АҚШнинг империалистик сиёсатни ўтказаётганлигини кўрсатувчи янги далилдир». АҚШ, деб таъкидлайди газета, ўзига мақбул бўлган ҳукуматни Доминикана Республикаси халқининг хоҳиш-иродасига хилоф суратда бу республикага мажбуран қабул қилдириш мақсадини кўзда тутмоқда. Ҳиндистонда чиқадиган «Хиндустан таймс» газетаси Доминикана Республикасининг ички ишларига қуролли аралашуви билан «АҚШ дўқ қилиш ва катта таёқни ишга солиш дипломатиясини яна тиклади. АҚШ шу асрнинг бошларида бундай дипломатияни Латин Америкаси мамлакатларига нисбатан қўлланган эди».

Будапешт — халқ Венгриясининг пойтахти. Суратда: Геллерт тоғидаги Озодлик монументи.
МТИ-ТАСС фотоси.

ВАШИНГТОН ИЧКИ ИШЛАРГА АРАЛАШМОҚДА

БРАЗЗАВИЛЬ, 4 май, (ТАСС). «Конго халқининг овози» радиостанцияси кеча берган эшиттиришида Америка денгиз пиёда қўшинлари солдатлари — «қотиллар» Санто-Домингога туширилганлиги «Доминикана Республикасига қарши агрессиядир», деб айтди.

Вашингтон, деди радио, ўзининг бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашишдан иборат империалистик сиёсатини давом эттирмоқда. АҚШнинг Доминикана Республикасига қарши империалистик интервенцияси, деб таъкидлади радио, «Бутун дунёда қаҳр-ғазаб» уйғотмоқда.

ГАНА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

АККРА, 4 май. ТАСС мухбири В. ВОЛКОВ хабар қилади:

Халқаро кескинлик кучайиб бораётган танг пайтда Африка ва Осиё халқларининг вакиллари империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш учун олиб бориладиган кураш программасини ишлаб чиқиш мақсадида Аккрада учрашадилар," деди ТАСС мухбирига Гана информация министри Натаниэл Уэльбек. Министр айтдики, Осиё ва Африка халқлари бирдамлигининг IV конференциясини Гана президенти Кваме Нкрума очади, бу конференцияга Осиё ва Африка мамлакатларидан 450 га яқин делегат, дунёнинг ҳамма томонларидаги халқаро ташкилотлардан кузатувчилар келади.

Конференцияда қатнашадиган Гана делегацияси ўн кишидан иборат бўлади, деди Н. Уэльбек.

Гана аҳолиси Осиё ва Африкадаги тараққийпарвар кучларнинг вакилларини тантана билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда.

Гана ер куррасининг ҳамма томонларидан келадиган тинчлик вакилларига ҳамда озодлик ва тараққиёт курашчиларига ўз эшикларини меҳмондўстлик билан катта очиб қўяди.

Қароқчилик ҳужумлари давом этмоқда

НЬЮ-ЙОРК, 4 май. (ТАСС) АҚШнинг 7-флотида , авианосецларида жойлашган реактив самолётлари кеча Вьетнам Демократик Республикасига осмондан тўрт марта ҳужум қилди. Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, самолётлар Ханойдан 160 километр жанубдаги катта тош йўл ҳамда темир йўлни тўплар ва ракеталардан ўққа тутди.

● ● ● ●

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН

ДЕҲЛИ, 4 май. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Лаъл Баҳодир Шастрининг Совет Иттифоқига қиладиган визити муносабати билан ТАСС мухбири В. ОСИПОВ Совет — Ҳиндистон сиёсий ва иқтисодий муносабатлари ҳақида ўз фикрингизни айтсангиз, деб ундан илтимос қилди. «Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги аҳволи мени ғоят мамнун қилмоқда, — деди бош министр. — Сўнгги ўн йилда бизнинг муносабатларимиз бир-биримизни ҳурматлаш ҳамда тинчлик ишига ва тинч-тотув яшаш принципларига бир хилда садоқатли бўлиш негизида ривожланиб келди. Биз мустамлакачиликни ва империализмни тугатиш ишида БМТда ва бошқа ташкилотларда ҳамкорлик қилдик, шунингдек қуролсизланиш ва ядро синовларини тўхтатиш соҳасида биргаликда куч-ғайрат сарфладик.

Иқтисодий алоқаларимизнинг ривожланиши ҳам кишини жуда мамнун қилмоқда. Сўнгги уч йил мобайнида Ҳиндистон — Совет савдосининг ҳажми икки баравардан зиёд кўпайди. Бундан кейинги уч йилда савдо-сотиқ ҳажми яна икки баравар ошади».

«Мен, — деди пировардида бош министр, — совет халқига ва унинг эришган ютуқларига ғоят қойил қолганим ҳолда, Ҳиндистоннинг беш йиллик планларини амалга оширишда совет халқининг бераётган қимматли ёрдами учун самимий миннатдорчилик туйғусига тўлиб-тошганим ҳолда, Совет Иттифоқига боряпман».

УРУГВАЙ ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

МОНТЕВИДЕО, 4 май. (ТАСС). Уругвай ҳукумати Доминикана Республикасидаги аҳволни БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифни қувватлашга ва Америка қўшинларининг Доминикана Республикасидан чиқариб олишни талаб этишга қарор қилди. Бу қарор Уругвай миллий ҳукумат кенгашининг фавқулодда мажлисида бир овоздан қабул қилинди.

ДОМИНИКАНАДА НИМА ГАП?

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

◇ ◇

Шу кунларда бутун прогрессив инсоният Америка империализмининг янги агрессиясини қатъий қораламоқда. Демократик жамоатчилик Доминикана Республикасида бўлаётган воқеаларни зўр ташвиш билан кузатиб турибди. Газеталар кундан-кунга ташвишли хабарлар келтирмоқда. Доминикана Республикаси пойтахти Санто-Доминго шаҳри ёнида жойлашган Сан-Исидро авиация базасига Америка қуролли кучлари тушган самолётлар қўнмоқда. Республикага келтирилган Америка солдатларининг сони 9000 кишидан ошиб кетди.

Бу воқеаларнинг сабаби ва моҳияти нимада?

Доминикана Республикаси Марказий Америкада, Гаити оролининг Шарқий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 49,5 минг квадрат километр, аҳолиси 2,5 миллион кишидир.

Орол 300 йилдан зиёдроқ Испания ва Франциянинг мустамлакаси бўлиб келди. Халқ қўзғолони натижасида мустамлакачилар мамлакатдан ҳайдаб чиқарилди. Бироқ, мустақил Доминикана Республикаси АҚШга қарам бўлиб қолди. Бу эса мамлакат экономикасига салбий таъсир қилмай қолмади. Республика олтин, кумуш, платина, нефть, уран рудаси, бокситлар ва бошқа қазилма бойликларга жуда бой бўлса ҳам, саноати яхши ривожланмаган. Аҳолининг 80 проценти қишлоқ хўжалик ишлари билан банд. Аммо қишлоқ хўжалиги ҳам суст ривожланган. Экин экиладиган ерларнинг асосий қисми йирик ер эгалари ва Америка плантаторлари қўлидадир. Асосий экин шакарқамиш ҳисобланади. Сўнгги йилларда Доминикана Республикаси йилига 700 минг тоннага яқин қанд ишлаб чиқармоқда, бунинг 90 проценти чет элларга чиқарилади. Шунингдек, республикада банан, кофе, какао, тамаки, шоли, маккажўхори ва пахта етиштирилади.

Мамлакатдаги иқтисодий позициянинг ҳаммасини Америка капитали ўз қўлига олган. Банан ва пахта плантациялари «Юнайтед фрут компани» Америка монополиясига қарашлидир. Шунингдек сув билан таъминлаш, алоқа, йўллар ва енгил саноат корхоналари ҳам Америка монополияси қўлидадир.

Қўғирчоқ ҳукумат мамлакатда 31 йилгача даҳшатли диктатура сиёсатини ўтказиб келди. 1930 йилда Трухильо бир тўда каллакесарлар билан бирга давлат тўнтариши ясаб, ҳокимиятни ўз қўлига олди. Шундан сўнг сайлов найранги бўлиб ўтди. Бу сайловда Трухильога мамлакатдаги сайловчилар сонидан ҳам кўпроқ киши «овоз берди».

Америка Қўшма Штатлари ўз малайи Трухильони сақлаб қолиш учун Доминикана Республикасига кўп марта ҳарбий кемалар ва денгиз пиёда қўшинларини юборган. Лекин халқ ғазаби автомат ва замбараклардан ҳам кучлидир. 1961 йил 30 майда Трухильо ўлдирилди. Шундан сўнг мамлакатда доимий фитна ва турли ўнг группалар ўртасида ўзаро кураш бошланди.

1962 йилда бўлиб ўтган сайловда президент Хуан Бош ғолиб чиқди. Америка матбуоти Бош ҳукуматини «ишончли демократия режими» сифатида мақтади. Бироқ кўп ўтмай Бош Америка Қўшма Штатларининг ғазабига учраб қолди. Гап шундаки, Бош ўзининг сайлов олдида берган ваъдаларини бажариб, мамлакат қуролли кучларини ҳукумат контроли остига олмоқчи бўлди. Бу эса Америка монополиячиларига ёқмас эди. Чунки, қўмондонлик лавозими Бош қўлига ўтиб қолса, Американинг агенти генерал Вессин-и-Вессина мустақил ҳаракат қила олмас эди. Бундан ташқари Доминикана Республикаси сиёсати Вашингтонда эмас, балки Санто-Домингода шаклланиши керак, деган эди Бош.

Бош қўмондонлик лавозимининг ўзига ўтказилишини тасдиқлатиб олиш ҳамда генерал Вессин-и-Вессинани мамлакат танк ва пиёда қўшинлари қўмондонлиги лавозимидан четлаштириш учун президент Бош парламентнинг махсус сессиясини чақирмоқчи бўлди.

Воқеаларнинг бундай ривожланишидан норози бўлган АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси Доминикана Республикасида тўнтариш ясади. Бош Республикадан қочиб кетишга мажбур бўлди, парламент тарқатиб юборилди.

Сўнгги беш йил ичида Доминикана Республикасида беш марта тўнтариш бўлди. Сўнгги тўнтаришда Бош ҳукумати ағдарилгандан сўнг, Американинг яна бир агенти Рейд Кабраль ҳокимият тепасига келди ва граждан учлиги деб аталган ҳукумат тузди. Бу ҳукумат 19 ой ҳокимият тепасида турди.

Шу вақт ичида мамлакатда халқ ғалаёнлари авж олиб кетди. Меҳнаткашларнинг забастовкалари мамлакат ҳаётини тўхтатиб қўйди. Кабраль ҳукумати Доминикана халқи бошига оғир мусибатлар солди. Мамлакатда авж олган репрессиялар қонли диктатор Рафаэль Трухильо даврини эслатар эди. Бироқ бундай қонхўрлик ҳам фойда бермади.

Шу йил 25 апрелда янги тўнтариш бўлиб ўтди ва натижада Кабраль ҳукумати ағдарилди. Хосе Молина Урену бошчилигида вақтли ҳукумат тузилди. Хосе Молина Урену ҳокимият тепасига яна Хуан Бошни чақиришини айтди. Эмиграцияда яшаётган профессор Бош ўзи сайланган муддат тугагунча президентлик қилиш учун Доминикана Республикасига қайтиб боришни айтди. Бу муддат эса 1967 йил 27 февралгача давом этади. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида меҳнаткашлар Хуан Бошни қўллаб-қувватлаб намойишлар ўтказдилар.

Вақтли ҳукумат мамлакатда конституцион тузум ва демократик озодликни тиклашга қаратилган дастлабки тадбирларни амалга ошира бошлади. Прогрессив ва демократик ташкилотларнинг фаолиятига рухсат берувчи 1963 йил конституцияси тикланди, сиёсий маҳбусларга амнистия беришга тайёргарлик кўрила бошлади.

Армия қўмондони генерал Вессин-и-Вессина бу тадбирларга қарши чиқди. Унинг буйруғи билан реакционерлар ихтиёрида бўлган самолётлар президент саройини, вақтли ҳукуматни қўллаб-қувватлаётган ҳарбий қисмларни бомбардимон қилди, ўққа тутди. Вессин АҚШ ҳарбий денгиз флоти ёрдамига таяниб, ана шундай ўзбошимчалик қила бошлади.

Америка Қўшма Штатлари реакционерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Америка гражданларини муҳофаза қилиш баҳонаси билан Доминикана Республикасига қўшин киритмоқда. Агентликларнинг хабарларига кўра АҚШнинг ҳарбий-денгиз пиёда қўшинлари танклар ёрдамида Санто-Домингонинг бир неча кварталларини эгаллаб олдилар ва уни «халқаро зона» деб эълон қилдилар.

Босқинчиларнинг мақсади аниқ: улар мамлакатда конституцион тузумни тиклаш учун Доминикана халқи олиб бораётган курашни бостиришни мақсад қилиб қўйганлар. Прогрессив, демократик жамоатчилик, меҳнаткашлар АҚШ ҳарбийларининг бу жиноий ҳаракатларини қоралаб, босқинчиларни лаънатламоқда.

Евг. БЛОК.

ФРАНЦУЗ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ТОШКЕНТДА

«Франс Пресс» агентлигининг президенти ва бош директори Жан Марен ва шу агентликнинг ходими Бернар Киршнер Тошкентга келдилар. Меҳмонларга Совет Иттифоқи бўйлаб қиладиган сафарида ТАСС бош директорининг ўринбосари А. А. Вишневский ва Ғарбий Европа мамлакатлари редакциясининг мудири А. А. Баранов ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти раиси Х. Шукурова, ЎзТАГ директори Ғ. Нажимов кутиб олдилар.

Француз журналистлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри С. О. Азимов ҳузурида бўлдилар.

Француз журналистлари Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар.

(ЎзТАГ).

ҒАЛАТИ ТЎЙ

(ҲАЗИЛ)

Ўтган йили мени маҳалламизда
Бир тўйга айтишди. Байрам эди — Май.
Ғалати воқеа бўлганди бизда,
Ўша тўйни сизга гапириб берай.

Асқар Полвон билан дадаси Саттор
Яна ғижиллашиб қолди иккиси.
— Тавба, бу юришда нима ҳикмат бор?
Ҳолингга одамнинг қистар кулгуси...

Қара, тоғдай йигит ҳали ҳам бўйдоқ,
Сенинг ёшингда мен кўрганман бола! —
Дадаси бўғилар, у кўнмас, бироқ,
Бош эгиб туради, юзи бир лола...

— Ҳа билдим, — маънодор ота
жилмаяр, —
Қўшнимиз айтганди юз эллик меҳмон.
Қўшнидан ўтай деб, тўйига улар
Олиб келишганди тош уйнар полвон!

Майли, бизга келсин уч юзта киши,
Карнай-сурнай, яна хонанда-машшоқ.
Осон эмас, ахир, тўйнинг юмуши,
Бир тўй қилай, ҳамма гапирсин узоқ!

Шундай, тўй қилди у байрам кунида,
Яна бажо этди ўз ваъдасини.
Ота бошлаб келди кутилмаганда
Икки рақиб футбол командасини...

Стадион бўлди шу кун тўйхона,
Дарахтда болалар мисоли чумчуқ.
Саттор-чи, ҳаммага боқар қувона,
Одам кўп — кузёнинг лабида учуқ...

Футболчилар теги эканми таниш,
Ўнг қанот ҳужумчи ташиб юрар чой.
Дарвозабон иши — дастурхон ташиш,
Капитан кўрсатар тўрдан сизга жой...

Мана, футболчилар тушди ҳовлига,
Бошланди мислсиз атака, ҳужум.
Сарҳисоб етганда икки-ю нолга,
Мутлоқ унутилди тўй-ҳашам шу зум...

Йил ўтди. Туғилди ўғил кўчқордай,
Май куни қилишар именина ҳам.
Футбол бўлган тўйни эслашар бирдай,
Қувноқ ўтар шундай баҳорги байрам!..

Сами АБДУҚАҲҲОР.

БАҲОР МАКТУБИ

Севишганлар бир-бирига салом ёзгандек,
Ер қўлида лолаларнинг бойлами тайёр.
Шоир эса дил қонини тонгда қазгандек,
Ҳаётимиз инсон билан топар эътибор.
Гўзал баҳор фаслларнинг кенжа эркаси,
Чаманларда ёш-ялангнинг кулгиси янграр.
Замонамиз кенглигидай дилнинг нафаси,
Баҳор сўзи дил ўтидай доим жаранглар.
Сизга мактуб ёзаётиб ёдимга келар,
Ўтган баҳор, бир йил ўтиб
кўришсак яна.
Баҳор тонги эркаловчи шамоллар етар,
Шу ҳаётни қучоқласанг қона-қона.
Севги билан ўтган умр қанчалар яхши,
Инсон эса бир-бирига дўст, ўртоғу-ёр.
Чаманларда ярқирайди инсоннинг нақши.
Қўшиқларни тинглагандай ёнингда
дилдор.
Шу ҳаётда мақсадингга етмоқлик учун,
Интиласан бу интилиш қуёш нуридай.
Гул-лолалар очилмоқда кўрсатса кучин,
Қумурсқалар офтоб бети чиқади атай.
Бу мактабнинг бошланғичи баҳор саломи,
Бу саломни дўстларимга йўллайман
қувнаб.
Бу юракнинг теранидан дўстлик каломи,
Кўзларимга она ўлкам кўринар яшнаб.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

6 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт, 9.30 — Енгил куйлар, 9.45 — «Радио халқ хизматида» (тож.), 10.10 — А. Новиков қўшиқлари, 10.30 — Ёш композиторлар асарлари, 10.50 — Реклама ва эълонлар, 11.10 — «Самарқандликлар ташаббуси асосида», 11.20 — Халқ қўшиқлари, 13.40 — Франция эстрада қўшиқлари, 16.15 — Ўзбек давлат филармонияси (музикали эшиттириш), 18.00 — Буюк ғалабанинг 20 йиллиги олдидан. «Алангали йиллар қиссаси», 18.30 — Камер куйлар, 19.20 — Татар куйлари, 20.00 — «Ватанимиз овози» (рус.), 20.15 — П. Чайковский операларидан парчалар, 20.45 — Ҳозирги даврда миллий-озодлик ҳаракати (суҳбат), 22.00 — Қардош социалистик мамлакатларда, 22.10 — Концерт, 22.40 — «Фронт йўлларида» (рус.), 23.20 — «Қишлоқ оқшоми» (адабий-музикали эшиттириш).

Телевидение

6 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.25 — **Ҳикоялар** (мактаб ўқувчилари учун), 18.55 — **Тошкент кабелчилари ташаббуси**, 19.15 — **Ўзбекистон ёзувчилари съезди олдидан**, 19.40 — **Ерқин ҳаёт** тележурнали.

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — Ғалаба кунининг 20 йиллиги олдидан. **Буюк кураш саҳифалари**, 21.15 — **Реклама ва эълонлар**, 21.25 — **Карамболь** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — (кичик бино) — 6/V да **Сўнгги нусхалар**, 7/V да **Юлдузлар жамоли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/V да **Тошболта ошиқ**, 7/V да **Нодира.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА:

Жангчи отаси — «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Чол билан кампир бўлган экан — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 1.5 ва кеч 10 да).

Ойдин саҳифа (ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, 3-20 минут, 5 ва кеч 8-20 минутда), рус тилида: «ЁШ ГВАРДИЯ) (кеч 6-45 минутдан), «СПУТНИК» (кундуз 12, 3, кеч 7 ва 9 да).

Тўрғай — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11-40, кеч 6-40 минут ва 10 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч 6-45 минутгача). «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЮЛДУЗ» (кеч 7 ва 9 да).

Ям-яшил уфқлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Юлдуз — «ВОСТОК» (кичик залда кундуз ва кечқурун).

Биринчи қор — «ДРУЖБА» (1-залда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Ажойиб ов — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2 ярим, 5, кеч 7 ярим ва 9 яримда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 яримда бошланади)

Жангчи отаси — «ФЕСТИВАЛЬ».

Суратдаги одам — КАФАНОВ номли.

Тўрғай — «ХИВА».

Бешинчи тугун — «САЛЮТ».

Гуноҳкор — «УДАРНИК».

Итальянча қўйди-чиқди — НАВОИЙ номли.

Давлат жиноятчиси — «ПАХТАКОР».

Аҳмад қани? — ПУШКИН номли.

Кимсиз, доктор Зорге? (1 ва 2-серия) — СТЕПАН РАЗИН номли.

Бегона (1 ва 2-серия) — «РАКЕТА».

Ҳамза кўчаси, Олча проезд, 3-тупик, 24-уйда турувчи **Антонина Александровна Ивахник** (Шамова)-нинг Октябрь революцияси кўчаси, 28-уйда турувчи Геннадий Алексеевич Ивахникдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Сапёрная кўчаси, 27-уй, 3-корпус, 28-квартирада турувчи **Раиса Фёдоровна Юмашева**нинг шу квартирада турувчи Николай Иванович Юмашевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Чизельная кўчаси, 59-уйда турувчи **Людмила Ивановна Сардарова**нинг Андижон шаҳар Ленин кўчаси, 36-уйда турувчи Владимир Григорьевич Сардаровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Кольская кўчаси, 25-уйда турувчи **Виктор Алексеевич Михайлов**нинг Жарқўрғон кўчаси, 19-уйда турувчи Ольга Павловна Михайловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

9 майда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

Ғалаба кунининг 20 йиллигига бағишланган

концерти

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Ғулом Абдураҳмонов, Шаҳодат Раҳимова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Дилором Шерова,** солистлардан **Қувондиқ Искандаров, Исҳоқ Катаев, Зокир Султонов, Сора Шукурова, Тўхон Қодирова, Дилбар Фаёзова, Ойхон Ёқубова** ва ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивали лауреати **Зайтуна Тожибоева ва Ғулом Тожиалоев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар Эстрада театрида кундуз соат 2 дан ва район кассаларида соат 12 дан сотилади.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

вакант вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари: гуманитар факультетларнинг чет тиллар, СССР тарихи, жиноий ҳуқуқ кафедраларига;

Органик химия кафедрасига (профессор);

кафедра доцентлари: КПСС тарихи, ўзбек адабиёти, рус адабиёти, аналитик химия, ноорганик химия, олий математика, жиноят процесси ва криминалистика, чет тиллар (латин тили) кафедраларига;

кафедра старший ўқитувчилари: рус тили, жисмоний тарбия ва спорт, аналитик химия, ноорганик химия, иқтисодий география, ҳисоблаш математикаси, граждан ҳуқуқи ва процесси, тайёрлов факультетининг умумий таълим фанлари, жиноят процесси ва криминалистика, гербарий, тайёрлов факультетининг рус тили кафедраларига;

кафедра ўқитувчилари: илмий коммунизм, рус тили, чет тиллар, жисмоний тарбия ва спорт, табиий география, тайёрлов факультетининг рус тили кафедраларига;

старший илмий ходимлар: география факультетининг илмий бўлимига ва геология факультетининг фильтрация проблем лабораториясига;

табиий бирикмалар химияси проблем лабораториясининг мудири ва старший илмий ходими;

младший илмий ходимлар: география факультетининг илмий бўлимига, фитогельминтология, кучли шамол оқими, табиий бирикмалар химияси, стратиграфия ва геохронология проблем лабораторияларига.

Конкурс муддати — 1 ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 35-уй.

Диссертация ёқлайдилар

1965 йил 18 май кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети механика-математика факультетининг илмий совети мажлисида Карл Маркс кўчаси, 35-уй, 163-аудитория)

Қ. Қ. Қўнисбеков — физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Сонларни баъзи квадрат формалар орқали ифодалаш ҳақида» деган темада.

1965 йил 18 май кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети геология факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 35-уй, 134-аудитория).

К. С. Зубрилина — геология-минералогия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Оқтош конининг рудали майдонидаги постмагматик ўзгаришлар» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1965 йил 19 май кундуз соат 2 да, Тошкент Давлат медицина институтининг илмий совети мажлисида (акт зали)

Ц. З. Слепакова — медицина фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Ўпка ва ўпка-юрак функциялари етишмаслиги этиопатогенези клиникаси, кечиши, даволаниши ва олдини олишга доир материаллар» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши —33258. Қишлоқ хўжалик—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64543 № В. 164. Р. 01896.